Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 100 (8.529) ◆ 1994 йил 24 август, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИ 1-ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Муҳтарам ватандошлар!

Бутун мамлакатимиз халқлари улкан шодиёна арафасида турибди. Ўзбекистон Мустақиллиги уч йиллик байрами ҳар бир фуқаро қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. Буни сизлар йил мобайнида ўтказган тадбирлар ва бугунги якунловчи тантаналарингиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўпмиллатли мамлакатда ҳар бир миллат ва элат равнақини таъминлаш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятларни ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг бебаҳо фазилатидир. Биз ана шундай юксак маърифий жамият қуриш сари бораётган бир пайтда сизларнинг бугунгидек ҳамжиҳатлигингизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг мамлакатимиз келажагига катта умид билан қараётганингиз, ўз миллий маданиятингиз равнақи бутун Ўзбекистон тараққиётининг бир қисми эканлигини теран тушуниб турганингиз қувончли ҳодиса.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Айни пайтда у буюк орзу-умидлар, якдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик юрти. Турли миллат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улуғвор хонадон. Сизлар эса ўз фаолиятингиз, амалий ишларингиз билан ана шу хонадонга яна ҳам нурафшонлик, яна ҳам файз бахш этмоқдасиз.

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги билан яна бир бор қутлар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-омонлик, Ватан равнақи йўлидаги шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 август.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз нафақат Ўзбекистон аҳлининг, балки Марказий Осиёда яшайдиган барча халқларнинг зўр эҳтиромига сазовор бўлган Сиз, юртбошимизни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг уч йиллик муборак байрами билан астойдил табриклаймиз.

Ўтган қисқа давр мобайнида миллатимиз ва диний мансублигимиздан қатъи назар, мустақиллик куни ҳар биримизнинг суюкли байрамимизга айланди. Биз Сизни эса, муҳтарам Президентимиз, тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда муқимлашиб қолган юздан ортиқ миллат ва элатларни бағри кенг, меҳнаткаш ўзбек халқи атрофида бирлаштириб, мустақилликни мустаҳкамлашдек буюк вазифани бажаришга сафарбар қила олган кучли раҳбар сифатида тан оламиз. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мўътадиллиги, миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги, фаровон турмуш, бунёдкорлик ишларига замин ҳозирланаётгани, Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат сифатида халқаро нуфузи ошиб бораётгани ва эътиборли давлатлар, йирик сармоядорларнинг диққат-эътиборини тортаётгани, энг аввало, халқчил сиёсатингиз самарасидир.

Ана шу инсонпарвар сиёсат самарасидан баҳраманд бўлаётганимиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини қуришда қатнашаётганимиздан фахрланамиз.

Ўзбекистон — ҳаммамизнинг суюкли Ватанимиз, умумий жонадонимиз. Унинг шаъни ва номи ҳаммамизнинг шаънимиз билан боғланиб кетган. Биз ана шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида мустақилликнинг барча масъулиятини зиммамизга олиб, Ватанимизнинг буюк келажаги йўлида бирлашиб хизмат қиламиз, обод ва озод ўлка яратамиз, деб Сизни қатъий ишонтирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Истиқлолимиз шарофати туфайли миллий қадриятларимиз, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат сарчашмаси бўлган маҳаллаларга эътибор кучаймоқда. Биз буни ўзимиз яшаб келаётган эски шаҳар маҳаллаларининг ижтимоий маданий ҳаётини яхшилашга қаратилган қатор тадбирлардан ҳам яққол сезиб турибмиз.

Шу йилнинг 15 июлида Тошкент шаҳар кенгаши сессиясидаги нутқингиз, маҳаллаларга берган таърифингиз маҳалла оқсоқолларини ва фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Тинч ва осуда ҳаётимиз барқарорлигини таъминлаш, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, инсоний фазилатларни ардоқлаш, ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш, бир сўз билан айтганда, мустақилликни мустаҳкамлаш бугун барчанинг виждон иши бўлмоғи керак.

Яхши кунларда яхши ният жоиздир. Истиқлолимизнинг муборак уч йиллиги нишонланаётган шу кунларда, юрт, эл равнақи учун заҳмат чекаётган барча ватандошларимизга, шу жумладан, Сиз, муҳтарам Президентимизга дуои саломларимизни йўллаймиз, истиқлолимизни Аллоҳ ўзи ёмон кўзлардан асрасин!

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманининг бир гуруҳ маҳалла оқсоқоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари: Ғани АЪЗАМОВ, Фаттоҳ ВАҲОБОВ, Ҳамидулла ДАМИНОВ, Яҳё ИБРОҲИМОВ, Сафо КАРИМОВ, Иброҳим РАСУЛОВ, Саиднаби САИДКАРИМОВ, Ҳожиакбар ҚУРБОНОВ, Маҳкам КАРИМОВ, Расул РАҲМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ ХОНАДОНИМИЗ

20 август куни пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикаси миллий-маданий марказлари 1-фестивалининг якуний концерти бўлиб ўтди.

Концертнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Алишер Файзуллаев юртбошимиз Ислом Каримовнинг фестиваль иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Маълумки, юртимиздаги барча миллий-маданий марказлар шу йилнинг март ойидан буён республикамиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб ўз концерт дастурларини намойиш этди. Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирлар ҳар гал чинакам байрам тусини олди. Мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари, куй ва қўшиқларининг равнақини таъминлайдиган маданий марказларнинг ташкил этилиши ва кенг фаолият кўрсатиши қувонарли ҳолдир. Зеро, республикамиз Президенти кўп бор таъкидлаганидек, юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва тотувлик бизнинг энг асосий ютуғимиздир.

Республикамизда ўнлаб миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Фестивалда ана шу маданий марказларнинг кўпчилиги миллий концерт дастурларини намойиш этди. Турли тилларда дилрабо қўшиқлар янгради. Бу қўшиқларда дўстлик ва ҳамжиҳатлик, муҳаббат ва садоқат, умид ва орзулар тараннум этилди. Барчамизга ватан бўлган истиқлол юрти — Ўзбекистон мадҳи янгради.

Фестиваль якунида миллий-маданий марказларнинг раислари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мурожаатнома қабул қилдилар.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев, матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА).

Тошкент буюк байрам тараддудида

Азиз Ватандошим!

Юртимизда байрамлар бўлса майдонларда, улуғвор биноларнинг пештоқларида байроқлар ҳилпираб туради. Ушбу байроқларнинг майин еллар эпкинида эрка-эрка тебранишини кўриб, «Озод юртимнинг ўз миллий байроғи қачон бошимиз узра мағрур селпиниб турар экан?» деб неча бор орзу қилганмиз. Бугун шу орзуларга эришганимизга уч йил бўляпти. Уч йилдирки уч рангдан иборат байроғимиз ўзининг салобати билан қалбимизни бир олам ифтихорга тўлдириб, кўзларни ёндириб турибди.

Кўпчилик байроққа қараб нималарни ўйлайди экан? Бир гал Мустақиллик майдонидан ўтаётганимизда ҳамроҳим Ҳукумат уйи тепасидаги байроққа анча вақт тикилиб қолди. Сўнг менга ўгирилди:

— Қара, — деди у, — қанчалар юракка илҳом, жўшқинлик бағишлайди.

Ҳамроҳимнинг сўзларини дил-дилимдан тасдиқладим.

Байроқ бу олға етакловчи, йўлбошловчи десам гапимда лоф бўлмайди. Энг шодон, энг қийин лаҳзаларда кўзларимиз беихтиёр байроққа қадалади. Нега шундай? Чунки байроқда бизнинг ғуруримиз, ишончимиз жамланган. Тарихда ўзи ҳалоқ бўлса ҳам туғини сақлаб қолган жасур жангчилар беҳисоб эканлигини биламиз.

Байроқ мана шундай муқаддасдир! Айниқса у озодликка эришган мамлакатнинг ўз байроғи бўлса, юртнинг, халқнинг ифтихорига айланади. Бошимиз узра ҳамиша барқ уриб, ҳилпираб тур, эй азиз байроғимиз!

Байроқ билан баробар истиқлолимизнинг яна бир муқаддас рамзи бор. Уни герб — туғро деб улуғлаймиз. Туғро Ватаннинг, унинг бойликларининг рамзи. Бизнинг туғромизда оппоқ очилиб турган пахталар, сердон бошоқлар, қанотини кенг ёзиб турган табаррук ҳумо қуши балқиб турибди. Қачонки, йўлингиз Мустақиллик майдонига тушса, ҳукумат уйининг пештоқида тотовланиб турган туғромизга қаранг, азиз ҳамшаҳарлар! Ундаги таралиб турган қуёш нурлари ёруғ келажагимиз белгисидир.

Байроқ ва туғро — мустақил юртимизнинг икки муборак белгисиким, у бизнинг кимлигимизни, юртимизнинг қудратини, эртанги кунини жаҳонга кўз-кўз қилиб турибди.

Азиз Ватандош! Сен билан бизнинг биринчи вазифамиз ана шу байроқни, ана шу туғрони кўз қорачиғидек сақлашдан иборат. Шундай қилайликки, байроғимиз ҳамиша мовий ва мусаффо осмонимизда кабутарнинг қуш қанотидек чарх уриб турсин. Пештоқимизга эса сира ҳам ғубор қўнмасин. Чунки улар бизда яркираб турган туғронинг олис йўлларимизда йўлдош, қўзимизга нур, дилимизга қувватдир.

Байроқни, туғрони табаррук билиб сақлашимиз эса Мустақиллигимиз, озод Ватанимиз дахлсизлигини асрашимиздир. Шу буюк ҳақиқат ҳамиша дилимизнинг тўрида турсин, азиз Ватандошим!

Ғолиб МИРЗО.

* *Истиқлол рамзлари*

ИККИ МУБОРАК ТИМСОЛ

Муносиб туҳфа

Жонажон Республикамиз Мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаш арафасида ободонлаштириш бошқармаси ишчи-ходимлари ҳам шаҳримизнинг кўркига кўрк қўшишга жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бу борада Ҳамза туманн ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар сўзимизнинг далилидир. Масалан, Чкалов метроси бекатидан то Мухтор Ашрафий, Лисунов кўчалари чорраҳаларигача бўлган кенг майдонда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари киши диққатини ўзига жалб қилмоқда. Айни пайтда юқоридаги кўчалар мавжуд бўлган 100 тоннадан ортиқ ахлатлардан тозаланиб, 3 километрдан ортиқ жой техника ёрдамида текисланди.

Абдумалик ЖАББОРОВ.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Вазирлар Маҳкамаси «1994 йилги пахта ҳосили йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон жанубида пахта ҳосили теримига киришилди. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Наманган вилоятларининг пахтакорлари хирмонга дастлабки тонна янги ҳосил уйдилар. Бу йил республикада 1 миллион 538 минг гектар ерда пахта етиштирилди. Режа бўйича пахта хирмони 4 миллион 16 минг тоннани ташкил этиши керак.

● Самарқанд вилояти ғаллакорлари 154 минг тоннадан кўпроқ дон топшириб давлат буюртмасини ортиғи билан уддаладилар.

● Кеча мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германиянинг «Крупп хёш интернейшнл» компанияси бошқаруви раиси Х. Гельдмахер бошчилигидаги делегация аъзолари «Ўзозиқовқатсаноат» ва «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорациялари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа муассасаларда бўлиб, ёғ-мой ва чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати корхоналарига эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама этдилар.

● Нукусда Орол ва Оролбўйи экологияси халқаро маркази ташкил этилмоқда. У Марказий Осиё минтақаси атроф муҳитини муҳофаза этишнинг долзарб муаммолари билан шуғулланади.

● Бухоро вилояти шифохоналарига Япония Қизил Хоч жамияти томонидан юборилган умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган дори-дармонлар, жарроҳлик ускуналари тарқатилди.

● Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида шоир Чустий таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Москвада Ўзбекистон билан Грузия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги протокол имзоланди. Бу ҳужжатга кўра ҳар икки республикада элчихоналар даражасида ваколатхоналар очиш кўзда тутилган.

● Бугун Украина Республикаси Мустақиллик кунининг уч йиллигини тантанали нишонламоқда.

● Бугун Қозоғистон Олий Кенгашининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Унинг кун тартибига асосан иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш билан боғлиқ 24 та масала киритилган.

● Молдова республикаси фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 50 йиллигини тантанали нишонлаяпти.

● Кеча Бокуда Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш юзасидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Минск гуруҳи навбатдаги музокаралар босқичини бошлади. Унда Озарбайжон Республикасининг Президенти Ҳайдар Алиев ҳам иштирок этмоқда.

● Чечен республикасидаги вазият ғоят кескинлигича қолмоқда. Умар Автурхонов бошчилигидаги муваққат кенгаш республика президенти Жохар Дудаевга 25 августгача ҳокимиятдан кетиш қатъий талабини қўйган. Президентнинг ёрдамчиси Мавлон Салонов агар муҳолифатчилар ана шу кун республика пойтахти Грозныйга бостириб келадиган бўлса, «биз жангга киришга мажбур бўламиз», деб баёнот берди.

ХОРИЖДА

● Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Наим Ғойибов Исломободда мамлакат Президенти Сардор Форуқ Аҳмад Хон Легарийга ўз ишонч ёрлиғини топширди.

● Покистоннинг собиқ Бош вазири Шариф «Покистон ўз ядро қуролига эга», деб баёнот берди. Лекин мамлакатнинг расмий маъмурлари бу хабарни рад этдилар.

● Сурия, Эрон ва Туркия ташқи ишлар вазирлари Ироқ ҳудудий яхлитлиги сақланиб қолишишини ёқлаб қўшма баёнот қабул қилдилар. Улар Ироқ курдларининг мамлакатдан ажралиб чиқиш ҳатти-ҳаракатларига салбий муносабат билдирдилар.

● Хитой катор вилоятларида мисли кўрилмаган қурғоқчилик давом этмоқда. Мамлакатда 18 миллион гектардан кўпроқ майдондаги экинлар сувсизликдан қуриб қолди. Хитойда бундай қурғоқчилик 1934 йилдан буён бўлмаган экан.

● АҚШлик Мори Кравица деган шахс 1227 йилда вафот этган буюк мўғул истилочиси Чингизхон қаерда дафн этилганлигини биламан, деган хабар тарқатди. Унинг айтишича, Чингизхон қабрида бекиёс бойликлар мавжуд эмиш.

* *Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

Тошкент шаҳрида ягона буюмлар бозорини ташкил этиш тўғрисида

Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов савдо-сотиқни тартибга солиш ва шаҳар деҳқон бозорларида тартиб ўрнатишни янада яхшилаш мақсадларида Тошкент шаҳрида ягона буюмлар бозорини ташкил этиш тўғрисида қарорни қабул қилди.

Ушбу қарорга мувофиқ 1994 йил 25 августдан эътиборан Тошкент шаҳар деҳқон бозорларида қўлдан ва лотоклардан истеъмол буюмларини сотиш таъқиқланади.

Ана шундай буюмлар билан савдо қилиш Отчопар ва унга чегарадош ҳудудларга кўчирилади.

Ички ишлар бош бошқармасига (К. Қ. Ғафуров), Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси (П. А. Имомқулиев), «Тошширкатбозорсавдо» бошқаруви (Р. М. Муродхонов) ва деҳқон бозорлари бошқармаси (Р. М. Раҳматуллаев) билан биргаликда 1994 йил 25 августгача буюмлар бозорини белгиланган янги ҳудудга кўчиришни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Архитектура - лойиҳалаш бош бошқармасига (М. А. Расулов) ягона буюмлар бозорини унда автомашиналар сақлаш жойи, умумий овқатланиш корхоналари, санитария шохобчалари ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш топширилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциациясига (Р. Ф. Файзуллаев) метронинг «Собир Раҳимов» бекатидан шаҳар ягона буюмлар бозорига янги йўналишлар очиш ва ушбу йўналишларда автотранспорт воситаларининг бир меъёрда ишлашини таъминлаш вазифаси топширилди.

Ички ишлар бош бошқармасига (К. Қ. Ғафуров) шаҳар ягона буюмлар бозори ва унга чегарадош ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилди.

● **СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси миллий-маданий марказлари 1-фестивали якуний концертидан лавҳалар.**

А. Зуфаров (ЎзА) суратга олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЭРКИНЛИК БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришдан, унинг сифатини яхшилашдан моддий манфаатдорлигини ошириш, қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида:

1. Пахта толаси ва ғалладан бўлак, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат томонидан белгиланган буюртмалар (давлат буюртмалари) бекор қилинсин.

Қорамол ва сутнинг эркин харид нархларига ўтиш амалга оширилсин.

2. Белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар тасарруфида қолдириладиган маҳсулот улуши кўпайтирилиб, харид қилинган пахта толаси ва ғалла ҳажмининг учдан бир қисмига етказилсин, шунга мувофиқ равишда, илгари белгиланган давлат буюртмалари ҳажми камайтирилиб, 75 фоиздан 67 фоизга туширилсин.

Давлат буюртмасининг мазкур даражаси пахтанинг 1994 йилги, ғалланинг 1995 йилги ҳосили учун белгилансин.

3. Пахта ҳосилининг 1994 йилдаги пахта харид нархи бир тоннаси учун ўртача 1200 сўм, (пахта толасига айлантириб ҳисоблаганда — 3750 сўм), 1995 йилдаги озиқ-овқат учун мўлжалланган ғалла ҳосилининг бир тоннаси учун 1000 сўм қилиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда 1994 йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 22 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЭРКИНЛИК БЕРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Қишлоқда бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ жараёнларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг жамоаларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун рағбатлантириш, қишлоқ ҳодимлари даромадларини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан пахта толаси ва ғалладан ташқари, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилинди. Пахта толаси ва ғаллага давлат буюртмаси камайтирилиб, умумий тайёрлаш ҳажмининг 75 фоизидан 67 фоизига туширилди.

Қишлоқда етиштириладиган асосий маҳсулот — пахта нархи оширилиб, ҳар тоннасининг нархи 120 сўмдан 1200 сўмга етказилди ёки 10 баравар кўпайтирилди, ғалла нархи эса икки баравар кўпайтирилиб, ҳар тоннасининг нархи 500 сўмдан 1000 сўмга етказилди.

Мазкур тадбир давлатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга, уларнинг маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришдан ва сифатини яхшилашдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган снёсатнинг рўёбга чиқаришдаги муҳим қадам бўлиб, хўжаликлар зарур даражада рентабелли бўлишини таъминлайди.

Бу тадбир амалий фаолиятда бозор муносабатларининг афзалликларидан самарали фойдаланишга ва пировард натижада қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини оширишга имконият яратади.

1994 йил ҳосилидан хўжаликлар тасарруфида қолдириладиган ва эркин нархларда сотиладиган пахтанинг 25 фоиздан 33 фоизга етказилиши ва айни вақтда харид нархларининг оширилиши хўжаликларнинг пахтачилик соҳасидаги рентабеллиги даражасини 70 фоиздан 100 фоизга кўтаришни таъминлайди, бу эса аввалги йиллардагидан уч баравардан зиёдроқдир, ғаллачиликда эса рентабеллик 110 фоизга етади.

Хўжаликларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қолган барча турларини эркин (шартномавий) нархларда сотиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу аввало, бозор муносабатларини ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга, ердан самарали фойдаланишга, хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга қаратилган.

Буларнинг ҳаммаси республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий омили сифатида қишлоқни устувор даражада ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган снёсатнинг натижасидир.

ДОРИХОНАДА ЯНГИ БЎЛИМ

Республикамиз Президентининг «Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилингач аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашда бирмунча жонланиш сезилмоқда. Шаҳримиздаги 150-дорихонада гомеопатик бўлим очилгани фикримизнинг далилидир. Бу бўлим беморларга жуда оз миқдордаги микроэлементлар, яъни дорилар билан хизмат кўрсатади.

Дорихонада дори-дармонларни тавсия қилувчи гомеопатик шифокор ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Нигора СОБИРОВА.

Зар ҳарфлар билан битилган мазкур сатрларда оламга тенг маъно ва ҳақиқат бор. Зеро ҳамиша Ватан ишқида ва дардида яшаб, унинг учун жонни ҳам, молни ҳам фидо қилиш чинакам инсоннинг ишидир. Ватан манфаатларини кўзлаб иш юритган кишиларгина қулликдан ҳоли бўлиб мустақиллик ва озодликнинг гаштини суриш имконига эга бўладилар.

Хўш, шунчалик экан, Ватан деганда нималарни тушунмоқ керак, деган савол туғилади.

Ватан моддий, сиёсий ва маънавий асосларга эга бўлиб, у ёки бу халқнинг киндик қони тўкилган муқаддас маскандир. Унинг пайдо бўлиши чуқур тарихий давърларга бориб тақалади. Чунончи ибтидоий жамиятда чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва умуман, хусусий мулкчиликнинг юзага келиши инсон деган улуғ зотни ва номни шакллантирди. Эндиликда одамларда ўзлари туғилган ва яшаётган жойлардаги ерлар, сувлар, тоғу тошлар, қўйингки, табиатдаги барча борлиқнинг эгасиман, деган тушунча ҳосил бўлди. Шу билан бир қаторда одамлар машаққат ва азоб билан турар жойларни, жамоа биноларини, сув иншоотларини ва бошқа қурилишларни амалга ошириб, шаҳар ва қишлоқларни барпо этдилар. Шу равишда асрлар мобайнида Ватаннинг моддий замини барпо этилди.

дамайдилар».

Аммо гап Ватанни қанчалик севишда эмас, балки у ҳар бир кишининг амалий ишларида, хусусан меҳнатсеварлигида, юксак одоб-ахлоқида. Ватан учун жонини ҳам, молини ҳам фидо қилишида намоён бўлиши лозим. Бу борада қадимги ва ўрта аср даврларида ота-боболаримизнинг она юртга бўлган муносабатини билиш ва сабоқ олиш айни муддаодир.

Ўтмиш замон кишилари кучқувватларини ва билимини кўпроқ ҳарбий маҳоратни оширишга, душманларнинг тажовузларига ва ҳукмронлигига қарши курашларга сарфлаганлар. Чунки, улар мустақилликни ҳаёт рамзи сифатида ниҳоятда қадрлаганлар. Ватан учун олиб борилган жангларда эркаклар билан бир қаторда хотин-қизлар фаол қатнашганлар. Улар ёшлик вақтларидаёқ чавандозликни, қиличбозликни, найза санчишни, қамондан отишни мукаммал равишда ўзлаштиришга қаттиқ ҳаракат қилганлар. Ҳатто аёллардан махсус ҳарбий қисмлар ташкил этилган. Ҳарбий маҳоратни ошириш, жангларда қаҳрамонлик кўрсатиш ва ҳатто шаҳид бўлиш шараф ҳисобланган. Бундай кишилар халқнинг зўр ҳурматига ва олқишига сазовор бўлиб, асрлар оша хотирадан ўчмаган.

Милоддан аввалги асрларда Ахмонийлар давлатининг ҳукмдори Кир ўрта Осиёга бостириб кириб подшо Аморгани асирга олади. иқлимининг шоҳи ул нийр сарпанжасидан ўн анбардаст йигит яловни чиқариб ололмади. Саййидлар шайхи сарпанжасида қофир яловини қўриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни шарҳлайдилар: ялов учини шайх тутиб, таъриф айтдики, «Вафотим санаси «шоҳи-шуҳудо» (шаҳидлар шоҳи)дир. Жамеи мусулмонлар аълосига Аллоҳи таоло раҳмати ёғилсин».

Ўзбек халқининг Ватанни севиши ва унинг учун жон куйдириши мамлакат мудофаасини ташкил этишда ҳам ўз ифодасини топган. Қадимги ва ўрта асрларда ҳаёт кечириш шу даражада хавф-хатарли ва машаққатли бўлганки Ватан мудофаасини ташкил этиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланган.

Ота-боболаримиз мустақилликни ва эркинликни сақлаб ўз она юртининг чинакам эгаси сифатида ҳаёт кечиришни барча нарсалардан устун қўйганлар. Биз бахтлиларнинг бахтлиси эканмизки кўз ўнгимизда мустақиллик ва эркинлик содир бўлди. Бу оламшумул аҳамиятга молиқ тарихий воқеадан кейин елкамизга офтоб ва кўкрагимизга шамол тегди. Она юртимиз, давлатимиз, нодир бойликларимиз ва умуман бутун табиат ҳамда жамиятимизнинг чинакам эгаси бўлиб, жаҳон даврасида муносиб ўринни эгалладик. Эндиликда ота-боболаримизнинг мустақилликни тиклаш учун ва қудратли давлат тузиш учун тўккан беҳисоб қонлари, талафотлари беҳудага кетмай, мустақил ўзбек давлати бунёд этилди. Мана салкам уч йил мобайнида бир неча йилларга тенг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Бироқ ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Шу боис юқорида шарҳланган ота-боболаримизнинг Ватанга содиқлигидан, жонкуярлигидан, жасоратидан, мустақиллик учун олиб борган курашларидан сабоқ олиб ва илҳомланиб она еримизни янада қаттиқроқ севиш, қадрлаш, бир ёқадан бош чиқариш, миллатпарварлик қилиш ҳар бир кимсага ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу кунларда фаровон турмуш ва буюк давлат барпо этиш учун дадил қадамлар қўйилаётган бир пайтда вақтинчалик етишмовчилик ва қимматчиликни рўкач қилиб, ўтмишни қўмсаш ва Ватан тақдирини унутиш ўта хавфлидир. Бу тоифадаги маслаксиз кишилар онгига фақат қорин тўйса бас, деган тушунча қаттиқ сингиб кетган, албатта. Ваҳоланки, тўкчилик, мустақиллик ва озодлик доирасидагина одамларга чинакам завқ-шавқ ва бахт-саодат бахш этади. Бу ерда қуйидаги ибратли ҳикояни келтириш ўринлидир.

Бир йирик қулдор фарзандсизлиги туфайли бир қул болани ўғилдек кўриб, тарбиялабди. Уни ўқитибди, уйлантирибди ва ҳашаматли уй қуриб берибди. Бироқ у асранди ўғилни қулликдан расмий озод қилмабди. Ойлар ва йиллар ўтиб кунларнинг бирида тиламчилик билан келган гадой асранди ўғилга дебди: «Менинг сенга ҳавасим келади,негаки қул деган номинг бўлса-да, тўқсан ва фаровонликда яшамоқдасан. Мен эса бир бурда нон дардида кўчаларда сарсон бўлиб юраман». «Аксинча,—дебди асранди ўғил,—мен сенга ҳавас билан қарайман. Қани эди мен ҳам сенга ўхшаб озод ва эркин яшаб гадойчилик қилсам, ўзимни бахтиёр киши деб ҳисоблардим. Биласанки, пешонасига қул деб тамға босилган кишилар «зоти паст» ва бошқа ҳақоратли сўзлар билан доимо оёқ ости қилинади. Уларнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари бўлмай, хўрланган ва камситилган ҳолда яшайдилар. Бу бонс менга қулликдаги тўкчилик ҳеч нашъа бераётгани йўқ».

Қулдор мазкур сўзларни эшик орқасидан туриб эшитган экан. У шу даражада таъсирланибдики, эртасигаёқ асранди ўғилни қулликдан озод қилиш ҳақидаги ҳужжатни расмийлаштирибди. Асранди ўғил суюнганидан юраги ёрилгундай бўлиб ҳушидан кетибди. У ўзига келгандан кейин қулдорга дебди: «Отажон, минг раҳмат, ниҳоят менинг ва бўлажак авлодларимнинг пешонасига озод киши деган тамға босилиб, янгидан туғилдим».

Шунга ўхшаш ўзбек халқи 130 йиллик қарамликдан ҳоли бўлиб, озод халқ сифатида дунёга янгидан келди. Бу тарихий воқеанинг уч йиллигини нишонлаш арафасида Ватанга содиқликни ва унинг тақдири учун курашишни энг юқори поғонага кўтариш муқаддас бурчдир.

Ҳамид ЗИЯЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

● **ТАНЛОВ ҲОМИЙСИ — «УЗБЕККОСМОС».**



«Тошкент ЛТД» Америка—ўзбек қўшма корхонаси «Кока-кола» ичимлиги тайёр бўлмида ҳозирги кунда ишлар қизғин бормоқда.

— Республикамиз Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан жамоамиз ишчи-хизматчилари алоҳида ўрнак кўрсатган ҳолда меҳнат қилмоқда, — дейди бош иш юритувчи (менежер) Абдували Асилов. — Байрам муносабати билан зиммамиздаги 200 дона ўрнига ундан зиёдроқ кока-кола ишлаб чиқармоқдамиз. Яхна ичимлигимиздан ҳамюртларимиз баҳраманд бўлиб, уни севиб харид қилсалар демак меҳнатимиз зое кетмаётганидан далолат деб биламиз.

СУРАТЛАРДА: бош иш юритувчи Абдували Асилов ҳамда муҳандис-технолог Доно Исломхўжаева билан тайёр яхна ичимликнинг ҳажм-сифатини кўздан кечиришмоқда; тайёр яхна ичимлик қайта назоратдан ўтказилмоқда.

Козим Улмасов олган суратлар.

* *«Ватанни севмак иймондандур!» танловига*

Менинг битта умрим бор, бордию мингта ҳаётимга эга бўлган тақдирда ҳам, ҳаммасини ватан учун сарфлаган бўлардим.

ФУЗУЛИЙ.

МУҚАДДАС БУРЧ

Бошқарув тизими жамиятни ҳар жиҳатдан ривожлантириб Ватаннинг сиёсий асоси сифатида намоён бўлди. Давлат кишиларда ўз-ўзини англаш, ғурурланиш ва фахрланиш сингари туйғуларни кучайтириб Ватан посбони сифатида гавдаланди. Даставвал қадимий ва ҳамиша навқирон Туркистонда бир нечта давлатлар пайдо бўлган эди. Сўнгра уларни бирлаштириш жараёнида улуғ давлатчилик ғоялари барқ уриб, йирик империялар ташкил топди. Масалан, Кушанлар (I—IV), Эфталитлар (V—VI), Турк ҳоқонлиги, Сомонийлар (X), Хоразмшоҳлар (XI — XII) ва Темурийлар сингари давлатлар шулар жумласидандир. Бу буюк давлатлар ҳукм сурган даврларда Ватанни севиш ва уни жаҳон даврасига олиб чиқиш ҳаракатлари қизғин тус олган.

Моддий ва сиёсий омиллар билан ёнма-ён маънавият, яъни фан ва маданият сув каби Ватанни яшнатгирди. Хусусан зиёлилар ва дин вакиллари Ватанга содиқ бўлиб мустақиллик ва эркинликни бой бермасликка даъват этдилар. Айниқса, Ҳадиси Шарифдаги «Ватанни севмак иймондандур!» деган сўзлар кишилар қалбига сингиб кетди.

Шу равишда моддий, сиёсий ва маънавий асосда ташкил топган Ватан тушунчаси кишилар онгида ва қалбида чуқур ўрин эгаллади. У билан ғурурланиш ва фахрланиш, равнақи ва мустақиллиги учун, керак бўлса «осмондаги юлдузни» ҳам олиш сингари ғоялар ҳукм сурди.

Шуни билиш лозимки, ҳар бир халқнинг Ватанининг ўзига хос ва мос хусусиятлари бор. Ватанимиздаги ажойиб иқлим шароит, шифобахш ноз-неъматлар, гиёҳлар ва сувлар, ер устки ва ости бойликларининг мўллиги кишилар зотининг юқори поғонага кўтарилишига олиб келди. Натижада ўзбек халқи меҳмондўст, қадди-қомати келишган ва чиройли кишилар сифатида донг чиқардилар.

Шунинг учун ҳам халқимиз орасидан жаҳон тан олган машҳур олим-фозиллар, давлат арбоблари, лашкарбошилар, дин пешволари етишиб чиқди. Туркистон умуминсоният тараққиётининг бешикларидан бири сифатида ҳамон қадрланмоқда.

Ўрта аср алломаларидан бири Маҳмуд ибн Вали ўзбеклар ҳақида шундай ёзади: «Улар камбағалпарвар, олижаноб, сахий, сабр-қаноатли, хушчақчақ ва жасоратли кишилардир. Улар яшаётган мамлакатнинг хусусиятлари шундан иборатки чет элликлар зулмига ва адолатсизлигига чидамайдилар».

Унинг Спаретра исмли хотини 300 минг эркаклардан ва 200 минг аёллардан иборат қўшин билан душман устидан ғалаба қилиб, ўз эрини асирликдан қутқарган. Милоддан аввалги 580 йилда Кир қайтадан Ўрта Осиёга ҳужум қилиб Тўмарис исмли аёл подшо билан тўқнашади. Даҳшатли жанглардан сўнг Тўмарис душманнинг 200 минглик аскарини қириб ташлайди. Кир эса ҳалок бўлади. Тўмарис Кирнинг калласини қон тўлдирилган мешга солиб: «Бутун умринг бўйи урушиб ҳеч қонга тўймадинг. Мана энди тўйиб ич», деб хитоб қилган экан.

XIII асрнинг бошларида Чингизхон қўшинлари бостириб кирганда уларга қарши шу даражада қаттиқ жанглар бўлдики, машҳур давлат арбоби ва олим Мирзо Улуғбекнинг ёзишича, мўғуллар қўшини туб аҳолининг қаттиқ қаршилик қилгани учун ўч олиш мақсадида Хоразмда ҳар бир ҳовлига тўсатдан ҳужум қила бошладилар. Найза ва ўқлар билан одамни бир-бирига михлай ва сихлай бошладилар. Оёқлари етмаган баланд кошоналарга қорурлар (ёнувчи моддалар солинган идишларни) отиб, ёндирдилар. Шу тартибда бир неча кун давомида ҳарбий маросим тинмади. Бу ҳол шу даражага етдики ўлдирилганларнинг сони-саноғига етиб бўлмади. Юз минг нафар санъат ва ҳунар аҳлобини ажратиб олиб, аёлу болаларни асир олдилар. Қолган одамларни саҳрога ҳайдаб чиқиб аскарларга бўлиб бердилар. Айтишларича ҳар бир қотилга 24 мақтул тўғри келган. Ёзишларича қотиллар сони юз мингдан ортиқ эди. Бир ҳафта ичида қон дарёси пайдо бўлди.

Ватан ҳимоячилари орасида Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг жасорати кишини лол қолдиради. Мирзо Улуғбекнинг таъкидлашича, Чингизхон Шайх Нажмиддин Кубро ҳузурига одамини юбориб Хоразмга ҳужум қилишини ва уни ҳалокатга учрамаслиги учун дарвишлари билан шаҳардан четга чиқишини маълум қилган. Шайх бу таклифни рад этиб, кўпчилик қатори ўлажагини билдирган. Шундан кейин мўғуллар жанг билан Урганчга бостириб кириб кўп кишиларни қириб ташлади. Улар ичида Шайх Нажмиддин Кубро ҳам бор эди. Бу киши қатл этилаётганда бир қўли билан душман яловини ушлаган экан. Ўлгандан кейин ҳам унинг яловини қўлидан чиқара олмабдилар. «Муршиди аъзам Шайх Нажмиддин Кубро, — деб ёзади Мирзо Улуғбек, — худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига ёпишди. Дини ҳақ иқлимининг шоҳи ул нийр сарпанжасидан ўн анбардаст йигит яловни чиқариб ололмади. Саййидлар шайхи сарпанжасида қофир яловини қўриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни шарҳлайдилар: ялов учини шайх тутиб, таъриф айтдики, «Вафотим санаси «шоҳи-шуҳудо» (шаҳидлар шоҳи)дир. Жамеи мусулмонлар аълосига Аллоҳи таоло раҳмати ёғилсин».

Ўзбек халқининг Ватанни севиши ва унинг учун жон куйдириши мамлакат мудофаасини ташкил этишда ҳам ўз ифодасини топган. Қадимги ва ўрта асрларда ҳаёт кечириш шу даражада хавф-хатарли ва машаққатли бўлганки Ватан мудофаасини ташкил этиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланган.

Ота-боболаримиз мустақилликни ва эркинликни сақлаб ўз она юртининг чинакам эгаси сифатида ҳаёт кечиришни барча нарсалардан устун қўйганлар. Биз бахтлиларнинг бахтлиси эканмизки кўз ўнгимизда мустақиллик ва эркинлик содир бўлди. Бу оламшумул аҳамиятга молиқ тарихий воқеадан кейин елкамизга офтоб ва кўкрагимизга шамол тегди. Она юртимиз, давлатимиз, нодир бойликларимиз ва умуман бутун табиат ҳамда жамиятимизнинг чинакам эгаси бўлиб, жаҳон даврасида муносиб ўринни эгалладик. Эндиликда ота-боболаримизнинг мустақилликни тиклаш учун ва қудратли давлат тузиш учун тўккан беҳисоб қонлари, талафотлари беҳудага кетмай, мустақил ўзбек давлати бунёд этилди. Мана салкам уч йил мобайнида бир неча йилларга тенг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Бироқ ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Шу боис юқорида шарҳланган ота-боболаримизнинг Ватанга содиқлигидан, жонкуярлигидан, жасоратидан, мустақиллик учун олиб борган курашларидан сабоқ олиб ва илҳомланиб она еримизни янада қаттиқроқ севиш, қадрлаш, бир ёқадан бош чиқариш, миллатпарварлик қилиш ҳар бир кимсага ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу кунларда фаровон турмуш ва буюк давлат барпо этиш учун дадил қадамлар қўйилаётган бир пайтда вақтинчалик етишмовчилик ва қимматчиликни рўкач қилиб, ўтмишни қўмсаш ва Ватан тақдирини унутиш ўта хавфлидир. Бу тоифадаги маслаксиз кишилар онгига фақат қорин тўйса бас, деган тушунча қаттиқ сингиб кетган, албатта. Ваҳоланки, тўкчилик, мустақиллик ва озодлик доирасидагина одамларга чинакам завқ-шавқ ва бахт-саодат бахш этади. Бу ерда қуйидаги ибратли ҳикояни келтириш ўринлидир.

Бир йирик қулдор фарзандсизлиги туфайли бир қул болани ўғилдек кўриб, тарбиялабди. Уни ўқитибди, уйлантирибди ва ҳашаматли уй қуриб берибди. Бироқ у асранди ўғилни қулликдан расмий озод қилмабди. Ойлар ва йиллар ўтиб кунларнинг бирида тиламчилик билан келган гадой асранди ўғилга дебди: «Менинг сенга ҳавасим келади,негаки қул деган номинг бўлса-да, тўқсан ва фаровонликда яшамоқдасан. Мен эса бир бурда нон дардида кўчаларда сарсон бўлиб юраман». «Аксинча,—дебди асранди ўғил,—мен сенга ҳавас билан қарайман. Қани эди мен ҳам сенга ўхшаб озод ва эркин яшаб гадойчилик қилсам, ўзимни бахтиёр киши деб ҳисоблардим. Биласанки, пешонасига қул деб тамға босилган кишилар «зоти паст» ва бошқа ҳақоратли сўзлар билан доимо оёқ ости қилинади. Уларнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари бўлмай, хўрланган ва камситилган ҳолда яшайдилар. Бу бонс менга қулликдаги тўкчилик ҳеч нашъа бераётгани йўқ».

Қулдор мазкур сўзларни эшик орқасидан туриб эшитган экан. У шу даражада таъсирланибдики, эртасигаёқ асранди ўғилни қулликдан озод қилиш ҳақидаги ҳужжатни расмийлаштирибди. Асранди ўғил суюнганидан юраги ёрилгундай бўлиб ҳушидан кетибди. У ўзига келгандан кейин қулдорга дебди: «Отажон, минг раҳмат, ниҳоят менинг ва бўлажак авлодларимнинг пешонасига озод киши деган тамға босилиб, янгидан туғилдим».

Шунга ўхшаш ўзбек халқи 130 йиллик қарамликдан ҳоли бўлиб, озод халқ сифатида дунёга янгидан келди. Бу тарихий воқеанинг уч йиллигини нишонлаш арафасида Ватанга содиқликни ва унинг тақдири учун курашишни энг юқори поғонага кўтариш муқаддас бурчдир.

Ҳамид ЗИЯЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

● **ТАНЛОВ ҲОМИЙСИ — «УЗБЕККОСМОС».**

* *Президент Фармони—амалда*

ЧАЙҚОВЧИНИНГ ҚОРА КУНИ

ЁКИ ДОРИХОНАЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ НИМА БЕРАДИ

Ушбу мавзуга қўл уришдан аввал шаҳар савдо ва бошқа ташкилотларда тартиб ўрнатишга киришилган дастлабки кунларда троллейбусда қулоғимга чалинган бир луқма ёдга тушди. «Олой» бозорига борган эдим, излаган доримни топа олмадим. Аввал ҳар қадамда камёб дори-дармонларни сотаётганларни шамол учириб кетибдими дейман».

Моҳиятига кўра бундай манзара ақлга сиғмайди. Биз маърифатпарвар жамият учун зид ҳисобланган воқеликка ҳам кўника бошлагандик: бозорга худди картошка харид қилгани каби доридармон сотиб олиш учун борадиган бўлиб қолдик. Тўғри, жон ширин. Ўзинг ёки яқинларинг бирор хасталикка учраса, унинг дардига даво топиш учун ҳеч қандай пулни аямайсан. Бироқ бу ўринда гап фақат ақл бовар қилмайдиган нархлардагина эмас. Ахир биз ҳеч иккиланмай, бунинг устига жуда катта пул эвазига сиҳат-саломатлигимизни қандайдир шубҳали одамларнинг қўлига топшириб қўйишдан ҳам тоймай қолдик. Ахир бозорда доридармон сотаётганлардан рухсатнома ёки дори-дармоннинг сертификати сўралмайди-ку! Бу билан биз аслида ўз жонимизга қасд қилишга ҳам бориб етдик.

Бахтга яраша олибсотарлар учун ҳам қора кунлар келди. Қатъий тартиб ўрнатила бошлангандан сўнг улар учун «сичқоннинг ини минг танга» бўлиб қолди.

Тошкент шаҳрида дорихоналарни хусусийлаштиришга кенг кўламда киришилганлиги эса дори-дармон муаммосини узил-кесил ҳал қилишга умид туғдиряпти. Бу қуруқ сўз бўлмаслиги учун ўзим шаҳар дорихоналарида кўрганим, доришунослардан эшитганим ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

«Бешёғоч» деҳқон бозори яқинидаги собиқ 10-дорихона ҳам одамларнинг гавжумлиги, ҳам дори-дармонларнинг сероблиги билан очиғи кишини анчагина ҳайратлантиради. Қаёқадир ғойиб бўлган юрак хасталигига қарши дорилар — корвалол, валидол, антибиотиклар, хориждан келтирилган дори-дармонлар пештахталарни безаб турибди. Навбатга турар эканман харидорларнинг гап-сўзларига қулоқ тутдим. Дориларнинг нархи арзон бўлмасада, бунга эътироз билдирувчилар йўқ эди.

— Қимматликка-ку қиммат, — саволимга бажонидил жавоб бера бошлади навбатда турган бир буви. — Лекин «Тани соғлиқ — туман бойлик», дейишади. Чолим хасталаниб қолди. Рўзғордаги баъзи нарсаларни сотиб уларнинг пулига бу ердан дори харид қиляпман. Агар шаҳримизда шунга ўхшаш дорихоналар кўпайса, рақобат бўлиб дори-дармонларнинг нархи ҳам пасайиши турган гап.

Энди харидор эмас, дорихона эгасининг фикрини эшитинг. Мунира Каримова 17 йилдан бери доришунос бўлиб ишлайди. Бу дорихонага икки йилдан бери раҳбарлик қилади. Дорихона унинг хусусий мулкига айланганига эса уч ой бўлди.

— Бизга дорихонани хусусийлаштиришга рухсат берилганида ўзим ҳам, жамоамиз аъзолари ҳам бу ҳозирги кун талаби эканлигини тушундик. Ҳозир олдингидек ишлаб бўлмайди. Дори-дармонларни давлат етказиб беришига кўз тикиб ўтираверишдан бирор наф чиқмайди. Бунинг устига харидорлар пештахталар бўм-бўшлигидан шикоят қилаверіб, жон-ҳолимизга қўйишмасди. Улар дорихона пештахталарида бўлиши керак бўлган доридармонлар бозорга гумдон қилинаётганлигига ҳам шама қилардилар. Ростини айтадиган бўлсак дорихонамиз пештахталари остида ҳам ҳеч вақо йўқ эди.

Бугун эса қайси жойдан қандай дори-дармон харид қилиб олиб келган бўлсак, ҳаммаси мана пештахталар устида — харидорлар кўз ўнгида. Аввалларі дорихонамиздаги хотин-қиз ходимлар меҳнат таътилини ёзда олишга жуда иштиёқманд эдилар. Таътил тугаганидан кейин ҳам бир-икки ҳафтага касаллик варақасини «тўғрилашарди». Бу йил эса бирорта ходимимиз «хаста» ҳам бўлмади, таътилга чиқишга ҳам ошиқмади. Ҳамма иштиёқ билан меҳнат қиляпти.

Ўзимиз Новосибирск, Қозон шаҳарларидаги йирик фармацевтика фирмалари билан алоқаларимизни тикладик. Бизга Тошкентнинг 10 га яқин фирмалари мол айирбошлашда кўмаклашишмоқда. Шартнома бўйича биз шерикларимизга ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат моллари етказиб берямиз. Улардан эса буюртма бўйича дори-дармонлар олмоқдамиз.

Мустақил ишлай бошлаганимизга уч ой бўлди. Тўғрисини айтганда осон бўлаётгани йўқ. Ҳамиша барча нарсага кўз-қулоқ бўлиб туриш, янги ҳамкорлик алоқалари излаш ва ўрнатиш зарур бўляпти. Лекин қилаётган ишимиздан қониқиш ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳозир бизда дори-дармонларнинг нархи бироз юқори. Лекин бу дори-дармонларнинг турлари қанчалик кўп бўлса, уларни харид қилиш ҳажмини кўпайтирсак, сарф-харажатларимиз ҳам камаяди. Демак дори-дармонларнинг нархи ҳам пасая бошлайди.

Бироқ бунинг учун шаҳардаги барча дорихоналар хусусийлаштирилиши зарур. Шундагина ҳар бир дорихона мудири ўз иши, ўз ходимлари учун масъулиятини ҳис этадиган бўлади.

Унча катта бўлмаган бу дорихонадан чиқар эканман навбат ҳали камаймаганлигига эътиборни қаратдим. Бу ерда учратган бир суҳбатдошим маслаҳатига кўра яқин орадаги 144-дорихонага ҳам киришга қарор қилдим. Бу дорихонадаги пештахталар бўм-бўш деса, нисбатдан бўлмасди. Баъзи бир дори-дармонлар кўзга ташланади. Лекин дорихона ичида сукут ҳукмрон, харидорлар ҳам кўринмайди. Дорихона мудирини сўроқласам, у дорихонани хусусийлаштириш учун ҳужжатларни тўғрилаш билан овора эканлигини айтишди. Бундай ҳужжатлардан эса жуда кўпи талаб қилинар экан... Шундай бўлсада дорихона мудири ўринбосари билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим.

— Ҳа, — деди у, дори-дармонлар сийрак бўлган пештахталар бизларни ҳам харидорлардек ташвишга соляпти. Дорихонани хусусийлаштириб олсак дори-дармонларни ҳам кўпайтирамиз деган умидимиз йўқ эмас.

Умид яхши, албатта. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Мен мудир ўринбосаридан ҳозир фармацевтика фирмалари ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан қандайдир музокаралар олиб бориляптими-йўқми деб қизиққанимда тайинли жавоб ололмадим. Начора, эҳтимол бир ой — икки ойдан сўнг пештахталар ҳам дори-дармонларга тўлиб қолар.

Аммо вақт кутиб турмайди. Бунга Марказий универсал магазини яқинидаги шаҳарнинг энг йирик дорихоналаридан бирининг мудири Муҳаббат Маъдиева билан суҳбатлашганда яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. У дорихоналарни хусусийлаштириш учун ҳужжатларини расмийлаштиришга киришилаётган ҳозирги кунларнинг ўзида ҳамкорлик алоқаларни тиклашга киришиш зарурлигини таъкидлади.

— Жамоамиз акциядорлик жамиятига киришга қарор қилди, — деди у. — Маълумки, хусусийлаштириш уч йўналиш бўйича олиб бориляпти. Мўъжазгина дорихонани хусусий мулк сифатида сотиб олиш мумкин. Ўртача дорихоналарни эса жамоа мулки сифатида хусусийлаштирган маъқул. Биз эса ҳозир ташкил этилаётган акциядорлик жамиятига киришдан манфаатдормиз.

Жамоамиз бу жамият акцияларини умумий сонининг 30 фоизини харид қилиш ҳуқуқига эга. Акцияларнинг 35 фоизи сармоядорларимизга тегишли бўлади. Қолган акциялар эса давлат тасарруфида бўлади.

Олдингга бемор дори сўраб келса-ку сен унга «йўқ» жавобини берсанг, нақадар хижолатда қоласан. Бизникидек катта дорихонада ҳам, афсуски, илгарилари рад жавобини олувчи харидорлар кўп эди. Эндиликда эса ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ. Ҳозир турли фирмалар билан музокаралар олиб боряпмиз. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан қизиқарли таклифлар оляпмиз. Республикамиздаги фармацевтика корхоналари билан келгусидаги ҳамкорлик режаларини тузяпмиз.

Ҳозир дорихонамизда иш авжида. Менинг бир орзуим бор. Шу ерда қадоқлаш цехини ташкил этмоқчиман. Ўшанда дорихона ходимларини қисқартиришга ҳожат қолмайди. Афсуски, хусусийлаштириш пайтида бу мажбурий заруратдир. Ана шу цехни ишга тушириб юборсак, жамоамиз ҳамма аъзолари иш билан тўла таъминланади. Мендан ҳозир доришуносларга берилган аввалги имтиёзлар сақланиб қоладими, деб тез-тез сўрашади. Ҳа, уларга тиббиёт муассасалари ходимларидек берилган имтиёзлар сақланиб қолинади.

Пештахталаримизда дори-дармонларнинг кўпайиб қолганлигини пайқаган бўлсангиз керак, 1 сентябргача эса дорихонамизда энг зарур дори-дармонларнинг камида 20 тури бўлиши шарт. Шу тариқа биз Президентимиз Фармонини амалий иш билан мустаҳкамлаяпмиз.

Саодат ҒАЙРАТОВА.

Ички бозоримизни тайёр маҳсулотлар билан тўлдиришда айрим йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилган халқ истеъмоли буюмлари цехининг роли катта бўлмоқда. Ана шундайлардан бири Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ истеъмоли буюмлари цехидир. Цехда ишлаб чиқарилаётган чўян қозон, гўшт майдалагич, қуймоқ пиширгич ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб турибди.

СУРАТДА: корхонанинг халқ истеъмоли буюмлари цехида кичик ҳажмдаги қозон тайёрлаш пайти.

«ЭКОСАН» СОВҒАЛАРИ

Шайхонтоҳур туманидаги 184-боғчада 28 та болани 1-синфга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Байрамда «Экосан» халқаро жамғармаси Шайхонтоҳур тумани бўлимининг директори Эсонмурод Аннаев жамғарма ҳисобидан 1-синфга йўлланма олган болаларга дафтар, чизғич, ручка, ўчиргичлар топширди. Боғчадаги кичик гуруҳ жажжиларига эса ҳар хил ўйинчоқлар улашилди.

— Жамғарма боғчамизни ўз оталигига олган, — дейди мудира Озода Раҳимова. — Шу сабабли биз боғчага «Экосан» номини бердик. Бугунги тадбирдан ташқари боғчамизнинг ҳовлисини асфальтлаш, гуруҳларни оқлаб, унга бўёқ бериш ҳамда бошқа ишларда жамғарма яқиндан ёрдам бериб турибди. Шунингдек улар яқинда боғча ичида табиат бурчагини ҳам ташкил қилиб беришди.

Тантана давомида мактабга кузатилаётган болаларнинг бир нечтаси мақол ва ҳадислардан парчалар ўқиб беришди. Ким чаққон ўйинини ўйнашди. Мактаб ҳақида шеърлар ўқилди. Ўрта ва кичик гуруҳ жажжилари эса мактабга кузатилаётган ака ва опаларига гуллар ҳадя қилишди. Кузатилаётган болалар гуруҳи тарбиячилари Муршида Саломуллаева ҳамда Муборак Аҳмедовалар кичкинтойларга ўқишларида катта-катта муваффақиятлар тилашди.

Байрам сўнггида болалар мудира ва тарбиячиларга гуллар совға қилишди. «Экосан» жамғармасининг боғча кичкинтойларига муруввват кўрсатаётганликлари учун миннатдорчилик билдирилди.

Ғани ЙЎЛЧИЕВ.

МАҲАЛЛА АҲОЛИСИ ХУРСАНД

«Маслаҳатли тўй тарқамас», деб бежиз айтишмаган. Буни маҳалламизда баҳамжиҳатлик билан олиб борилаётган ишлардан ҳам яққол кўриш мумкин. Дарҳақиқат, Мустақиллик шарофати билан маҳаллаларга бўлган эътибор жуда ошди. Буни бизнинг «Ачаобод» маҳалламиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Ҳали яқинигинада 1994 — 2000 йиллар мобайнида қилиниши лозим бўлган ишларнинг режасини тузиб олган эдик. Шунга мувофиқ маҳалламиздаги эски чойхона ўрнида дорихона, жамғарма кассаси, милиция участкаси иозири учун замонавий бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Қисқа вақт ичида ҳамма хонадонлар газлаштирилди, канализация тармоғи ўтказилди, маҳалла идораси, каттагина клубимиз таъмирдан чиқарилди.

Маълумки, Собир Раҳимов туманининг Сағбон кўчаси «Ачаобод» маҳалласига кираверишда 100 сотих келадиган жой бор эди. Ана шу ер асфальтланиб, атрофи панжаралар билан ўралди. Савдо пештахталари ўрнатилди. У маҳалланинг ўзига хос маиший хизмат кўрсатиш маржазига айланди. Ҳозир бу ерда сутқатиқ, ичимлик суви дўкони, сартарошхона, соат устахонаси, турли дўконлар жойлашди. Ҳуллас, аҳолининг кундалик турмуши учун зарур бўладиган хизматлар ана шу ерда кўрсатилмоқда. Яқинда шу марказнинг очилиш маросими бўлди. Карнай-сурнай садолари ушбу тантанага ўзгача руҳ бағишлади.

Хўш, ана шундай ишларни амалга оширишда кимлар жонбозлик кўрсатяпти, деб сўрарсиз. Бу ишда ўтиз йиллик танаффусдан сўнг яна маҳалла оқсоқоли этиб сайланган Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Расул Раҳмонов, маҳалла фаолларидан Туроб Рўзиев, Султонқул Муродов, Нурилла Ғайбуллаев, Абдурашид Абдумавлонов, Анвар Рўзиев каби фидойи кишиларнинг хизмати айниқса катта бўлмоқда.

Маҳалламиз аҳолиси севикли Ўзбекистонимизнинг яқинлашиб келаётган мустақиллик байрамининг уч йиллигини қувонч билан нишонлашга қизғин тараддуд кўрмоқда.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
меҳнат фахрийси.

* Маънавият сарчашмалари

ТЕРАН ИЛДИЗЛАР





«Усто» бирлашмаси яқинида уч мовий гумбаз остидаги муҳташам бинога кўчиб ўтди. Биз бирлашманинг бош мутахассиси-санъатшуноси Феруза Турғуновага ижодкорларнинг фаолияти, ташкилий ишлар, умуман халқ ҳунармандчилиги масалаларига оид саволлар билан мурожаат қилдик.

— Халқ амалий санъатининг қандай турлари бўйича фаолият кўрсатаётган усталар бирлашма аъзоси бўлган?

— Ганчкорлар, ёғоч ўймакорлари, заргарлар, кулоллар, пичоқчилар, читта гул босувчилар, мисгарлар, каштачилар, халқ чолғу асбоблари усталари, миниатюрачилар, меъморлик иншоотларини безовчи маҳобатли рангтасвир нақшинкорлиги билан шуғулланувчилар, сандиқчилар, гиламдўзлар ва бошқалар. Уларнинг барчасини бирданига санаб ўтиш қийин, чунки уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бор.

— Халқ ҳунармандчилигида оммавий тарзда бир-бирига ўхшаб кетадиган маълум чегарадаги, қолипдаги буюмлар қатори ҳақиқий санъат даражасига кўтарилган намуналар ҳам кўплаб учрайди. Уларни қандай мезонларга асосан аниқлайсизлар?

— Юксак малакали ижодкор уста олиб келган ҳар бир буюмни санъат асари десак бўлади, чунки катта, ўзига маълум даражада талабчан бўлган уста сохта иш қилмайди. Чунки уларнинг бир авлодидан кейинги авлодига ўтиб келаётган ўз касб сирлари, усуллари бор. Улар бир-бирларини қайтармайдилар. Ҳар бирининг ўзига хос йўли, иш услуби мавжуд. Шу сабаб юксак савиядаги асар доим мутахассислар томонидан ҳам, оддий санъат ихлосманди бўлган ҳар қандай киши томонидан ҳам қадрланади, нафосат туйғуларини уйғотади. Ишларнинг даражасини аниқлаб, баҳо беришда илгари махсус бадиий кенгаш иш кўрар эди. Ҳозир бадиий кенгаш йўқ. Чунки маъмурий кенгашимиз бор. У шартномалар асосида иш юритишга мўлжалланган. Ҳар бир бажарилган халқ ҳунармандчилигига оид иш — маҳсулот кенгашимиз аъзолари иштирокида қабул қилинади. Ҳозирги шароитда бозор муносабатлари ҳам иш юритилишига маълум даражада таъсир этмай қолмади, албатта.

— Йўқолиб кетиш арафасида турган халқ амалий санъати турлари ҳам борми?

— Бунга читгарларни, матога гул босувчи усталар фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу санъат билан шуғулланувчилар кам. Аммо аста-секин қайта тикланиб бормоқда. Миниатюра ҳам аслида қайта тикланган нафис рангтасвир тури сифатида ҳозир жуда ардоқланмоқда. Миниатюра санъати билан ҳозир кўплаб ёш усталар шуғулланмоқда. Умуман миниатюрани қайта тиклашда мусаввир Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг ҳам хизматлари катта. Унинг бир қанча асарлари чет элларда ҳам ном қозонган. Масалан, унинг томонидан яратилган миниатюрага оид қўлёзма китоб намунаси АҚШдаги «Митрональ» музейи учун харид қилиб олинган.

— Ҳозирги пайтда ўз мактабини яратган усталар мавжудми? Уларга кимларни мисол қилиб келтира оласиз?

— Ўз мактабини яратиб кетган усталар кўпчиликни ташкил этади. Ҳозир ҳам турли услуб ва ўзига хосликлари билан ажралиб турувчи ҳунармандчиликнинг ҳар бир соҳасига оид мактаблар мавжуд. Масалан, Қ. Ҳайдаров, О. Файзуллаев, М. Туропов, М. Мамадалиев мактаблари мавжуд.

— Кўпинча ташкил этиладиган тасвирий санъат кўргазмаларида халқ амалий ҳунармандчилиги ва безак санъати намуналари биргаликда, барча турлари қоришиқ тарзда намойиш этилади. Бунинг сабаби ҳақида ўз фикрларингизни билдирсангиз. Яна ҳам аниқроғи ҳар бир амалий санъат тури бўйича алоҳида-алоҳида экспозициялар уюштирилса бўлмайдими?

— Бундай амалиёт қўлланилмоқда. Ҳозир Малайзиядаги кўргазма хоналарнинг бирида фақат Сирожиддин Раҳматуллаев ёғоч ўймакорлигига оид ишлари экспозицияси намойиш этилмоқда. Яқинда рассомлар уюшмаси кўргазмалар залида бўлиб ўтган пичоқсоз уста А. Умаров ижоди намуналари ҳам бунга мисол бўла олади. Аммо кўпинча ҳар турли соҳа асарларини бирга намойиш этишнинг ҳам ўзига яраша тароватi, афзаллик томонлари бор. Чунки биз ҳаётда, кундалик турмушимизда маиший уй жиҳозларини турли хўжалик буюмларини ўзаро яқинлик ва муносабатдаги ҳолатини кузатамиз. Бу маънода халқ амалий санъати намуналари кўргазмаларда гўё бир-бирини тўлдириб, гўзал уйғунлик касб этиши сир эмас.

Феруза Турғунова «Усто» бирлашмаси кўчиб ўтган бинонинг қуриб битказилишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бирлашма раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари катта бўлганини ҳам таъкидлади. Соя-салқин, баҳаво, мовий гумбазли кошонада учратиб, суҳбатлашган кишимиздан яна бири меъморчилик халқ санъати бўлимининг бошлиғи Умидилла Дадахўжаев бўлди.

— Илгариги пайтда кўпинча қурилиш иншооти битказилгач, унинг ички безаги ҳақида ўйланар эди. Ҳозир бир неча йилдан бери безак ишлари ҳам олдиндан қурилиш лойиҳасига киритиладиган бўлди, — дейди у турли халқ амалий санъати безакларининг бино ички ва ташқи кўринишида қўлланиши ҳақида гапириб берар экан. — Абдураҳмон Султонов ва Ҳаёт Абдуллаев бошлиқ уста ганчкорлар «Туркистон» саройини безашда ҳам қатнашишди. Хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларни қабул қилиш уйини безашда — миниатюра рангтасвири руҳидаги ажойиб композицияларни Ғайрат Камолов, Хуршид Назиров, Содиқ Қорабоев, Тойир Болтабоевлар яратишган. Бундан бир неча йил муқаддам юқорида тилга олинган муаллифлар гуруҳи ва ганчкор уста Анвар Пўлатов Тошкент заргарлик заводидаги руҳий толиқишни тарқатиш хонаси деворларини ҳам ажойиб бетакрор безаклар миниатюра рангтасвири услубидаги воқеабанд нафис сувратлар билан жилолантирган эди. Яқинда қуриб битказилган Тошкент 2-аэропортидаги жиҳозлаш-безак ишлари ҳам «Усто» бирлашмаси ижодкорлари ҳамда югославиялик усталар томонидан амалга оширилди. У ердаги сержило нақшинкорлик намуналари Асрор Мухторов бошлиқ усталар томонидан бажарилган.

— Маълум ва машҳур халқ усталари яратган ишлар кўплаб хорижий кўргазмаларнинг томошабинларини ҳайратлантириб келаётганини кўп марталаб эшитганмиз. «Усто» бирлашмаси ўзининг кўргазма фаолияти учун Данияниг Копенгаген шаҳрида «Олтин глобус» мукофотининг совриндори бўлган экан. Унинг таъсисчи ташкилотчиси АҚШдаги «Шарқни ривожлантириш фонди» эканлигидан ҳам хабардормиз. Сиз бошлиқ бўлим усталари ҳам хорижий юртларда ишлашганми?

— Кейинги пайтда етти киши Швейцарияда турли безак ишларини бажариб муваффақиятли ишлаб келишди. Улар Маҳмуд Қосимов, Равшан Ниёзов, Маҳмуд Абдураҳимов ва уларнинг шогирдларидир. Германиядаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси биносини ҳам шу усталар жамоаси ўзбек халқининг амалий ҳунармандчилиги анъаналари руҳида жилолантирганларини айтиб ўтишим мумкин.

● «Усто» бирлашмасининг икки ходими гапириб берган қисқа изоҳлар Ўзбекистон Республикасининг халқ амалий санъат усталарининг бошини қотирган катта ташкилот ҳақида батафсил маълумотлар бериши қийин, албатта. Чунки унга аъзо бўлган юзлаб усталар ўз ишининг фидойилари ҳақида алоҳида-алоҳида гапириб беришга арзийди. Биргина ёғоч устаси Сирожиддин Раҳматуллаевнинг бажарган ижодий ишларидан ташкил этилган кўргазманинг Малайзияда муваффақиятли намойиш этилгани, томошабинлар таҳсинига сазовор бўлганлигининг ўзи фикримизнинг далили бўла олади.

Ниҳоят «Усто» бирлашмаси ўзининг мустаҳкам қароргоҳига эга бўлди. Энди унинг фаолияти янада кенгаяди, унинг қаноти остида зўр усталар раҳнамолигида, элимизнинг қадимий асрлар оша завол топмай авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ ҳунармандчилигининг турли соҳаларини қунт билан ўрганадиган шогирдлар янада кўплаб етишиб чиқаверади. Улар ўз асарларида юртимиз гўзаллигини жўшиб куйлайверадилар деб умид қиламиз.

Баҳром ТОЖИЕВ,
Темур ЎБАЙДУЛЛАЕВ.





СУРАТЛАРДА: «Усто» бирлашмаси аъзоларининг ишларидан намуналар. 1. Ганчкор Анвар Пўлатов, миниатюрачилар Тойир Болтабоев, Хуршид Назиров, Содиқ Қорабоев, Ғайрат Камоловлар заргарлик заводи деворига ишлаган безаклар. 2. Ғурумсаройлик усталар, Маҳмуд Туробов ва Маҳмуд Раҳимовлар ишлаган кулолчилик буюмлари. 3. Сирожиддин Раҳматуллаев яратган лавҳа.

* Акс садо

«АВЛОДЛАРГА ЁДГОРЛИК БЎЛАДИ»

«Тошкент оқшоми»нинг 1994 йил 17 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган суҳбат кўпчилик муштарийларимизнинг диққатини ўзига тортди. Таҳририятимизга узлуксиз келиб турган мактублар фикримизнинг далилидир. Мактуб муаллифлари Тошкент тарихи музейи Истиқлолимизнинг ажойиб меваси бўлишлигини, ушбу хайрли ишга ҳар бир тошкентлик ўзининг улушини қўшишга тайёр эканлигини ҳаяжон билан ёзади.

Бугун биз ана шундай мактублардан баъзиларини диққатингизга ҳавола қилмоқдамиз. Айни пайтда ўзларининг қимматли фикрлари билан бизга мактуб йўллаган барча газетхонларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

● ШАҲАР ҳам одамга ўхшайди. Ҳар бир шаҳарнинг ўз қиёфаси, ўз тарихи ва ўз қисмати бор. Пойтахтимиз Тошкент тарихи 2000 йилдан ошади. Тошкентда кўплаб элчихоналар очилди, очилмоқда, сайёҳлар оқиб кела бошлади. Меҳмонлар янгидан дунёга келган давлат ҳақида, ўзбек халқи тўғрисида Тошкентнинг ҳусн-жамолига, ниҳоят, шаҳар музейига қараб ҳам ҳукм юритадилар. Шу ерда туғилиб ўсган ёки шаҳарда ўқиб, ишлаб умри Тошкентда ўтган ҳамшаҳарларимиз кўҳна Чоч ҳақида озми-кўпми тўлароқ маълумотга эгамикин? Аминманки, кўпчилик Тошкент тарихини, унинг ҳозирги кунини яхши биламан деб мақтана олмайди. Чунки шаҳримиз музейи йўқ. Музейсиз эса ҳар қандай шаҳар тўғрисида яхлит бир тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди.

Инқилобдан олдин Тошкентнинг ҳам ўз музейи бўлган. Ҳолбуки ўша вақтда шаҳар аҳолиси бор-йўғи 200 мингдан ошмаган, майдони ҳам бир неча марта кичик бўлган. Ўтган давр ичида Тошкент дунёдаги энг катта шаҳарлардан бирига, иқтисодий, илмий, маданий марказга айланди. Энди эса келажаги буюк мустақил давлатнинг пойтахти. Ана шундай азим шаҳарнинг ўз музейи йўқлиги ачинарли ҳолдир. Шаҳар кўча-кўйларини, майдонларини, жўғрофиясини, топонимикасини айтмайсизми? У четидан бу четига қарийб 50 чақирим келади. Катта-кичик кўчаларнинг ўзи 2000 дан ошади. Ҳар бир кўчанинг ўз тарихи, ҳар бир номнинг ўз маъноси, изоҳи бор. Йирик шаҳарларда кўчалар ҳақида жилд-жилд китоблар чоп этилган. Масалан, Москва кўчалари тарихи бир неча марта босилиб чиқарилган. Тошкентнинг айрим кўчалари ҳақида китоблар бор, холос.

Шаҳар тарихи — кўчалар тарихидир. Шу билан бирга ҳар бир кўча, майдон, маҳалла номларида ҳам қанча сирлар, воқеа-ҳодисалар яшириниб ётибди. Чорсу, Хадра, Бинкат, Чақар, Сағбон каби қадимий номлар илмий изоҳга муҳтож. Масалан, Чақар тош қўрғон, яъни ички шаҳар ташқарисидаги қўрғон дегани.

Биз жонкуяр ҳамшаҳримиз Нуруллабек Абдуллабековнинг фикрларига тўла қўшилиб буюк шаҳримизга муносиб музей очилишини сабрсизлик билан кутамиз.

Хўш, музей қандай маблағлар ҳисобига қурилади деган савол берилиши мумкин. Халқимизнинг қўли очиқ. Бизда кўп савобли ишлар ҳашар йўли билан бажарилган. Ўйлаймизки, буюк шаҳарнинг улкан музейига ҳамма ўз ҳиссасини қўшади.

Музей Тошкент шаҳар жамоатчилигиники. Тома-тома кўл бўлур. Тошкентнинг ростакам музейи бўлишига ишонамиз.

Суюн ҚОРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институтининг катта илмий ходими, профессор.

● ТОШКЕНТ шаҳрининг тарихи ўзбек халқининг умридек узун. Халқимизнинг миллий характери ва тилининг шаклланишида пойтахтнинг ҳиссаси кўп. XIX асрлар ўртасида яшаб ўтган олим Муҳаммад Солиҳ Қори Тошкандий 1875 йилда ёзилган «Тарихи жадидди Тошканд» номли асарида шаҳар меҳнаткашларини «фақирон» деб атаган эди. Шаҳар фуқароси «фақирон» деб тилган олинган ҳунармандлар аслида Тошкентнинг аркони давлати, суянчиғи, кўрки эди.

Тошкент тарихини ўрганиш мақсадида анчагина рисолалар, тарихий ҳужжатлар қидиришга тўғри келди. Мана, «Гранат» деб номланмиш рус библиография институтининг қомус луғати. Бу асар инқилоб арафасида босмадан чиққан экан.

Асар муаллифлари ўзбекларни «сарт» деб атаб, бу халққа таъриф беришган: «Сартлар ҳақгўй, илм-рамзли, меҳнатсевар, осойишталикка ташна ва бағри кенг кишилар». Тошкентликлар ҳам ана шу фазилатларни, аждодларнинг ноёб ҳислатларини қон-қонига сингдиришган, авлодлардан-авлодларга мерос қилиб қолдираётган одамлардир.

Ҳақиқатан ҳам тарих саҳифаларида Тошкент халқининг меҳмондўстлиги, ширинсуханлиги, айниқса, фарзанд тарбиясига аҳамият бериши тўғрисида кўп китоблар битилган. Шу боисдан Тошкент тарихи музейи экспонатлари қаторига улуғ кишиларимиз қаторида кўп болали оналар ҳақида ҳам маълумотлар қўйилса жуда кўнгилдагидек иш бўлар эди. Чунки кўп фарзандлик оила тотувлиги, ҳамжиҳатлиги, ҳозирги Ўзбекистон Мустақиллигининг туллаб-яшнашига, ёш авлодни тарбиялашда фойдали бўлади. Яна бир таклифни ўртага ташлашни ният қилган эдик. Тошкентдек азим шаҳарда биз таъкидлаб ўтгандек, ҳунармандлар, заргарлар, дўппифурушлар, қийиқ тикадиган, чопон қавийдиган, чойшаб, палак тикадиган жуда машҳур чевар онахонларимиз ўтганлар. Ҳар бир она ўз қизи учун сепни оилавий давра қуриб, қиз-жувонлар ўзлари учун безаклар, уй анжомларини тикканлар. Ҳали ҳам амалий санъат музейида бу чеварларнинг нодир, такрорланмас асарлари сақланиб турибди. Эндиликда эса шундай нафис санъат асарларининг ижодкорларини излаб топиб, уларнинг номларини абадийлаштиришимиз лозим. Келинг азизлар, кўпчилик, бўлиб Ўзбекистонимизнинг кўрки бўлган Тошкент шаҳрининг музейини яратишга ўз ҳиссамизни қўшайлик, юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, келажак авлод бизнинг буюк ишларимиздан, меҳр-оқибатли, саховатимиздан бошлари кўкка етиб юрсин.

Азизахон Носир қизи ЗАЙНУТДИНОВА, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

● ЮНУСХОН ўзбек халқининг севикли, ардоқли ва ҳассос шоири, буюк давлат арбоби, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Хондадаси» сифатида қадрлидир. Ҳозир Юнусхон мақбарасининг икки қаноти тижорат дўкони қилинган. Тошкент шаҳри музейида Заҳириддин Муҳаммад Бобур замони ва ижоди ҳақида экспозиция очилиб давр ҳужжатлари намойиш этилса яхши бўлар эди. 2000 йиллик тарихни ўз бағрига жо айлаган Тошкентдек нуроний шаҳарнинг музейи бўлиши жоиздир. Ҳақиқатан ҳам Тошкентнинг гўзал тарихи бор. Музей кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этиладиган савобли ишдир. Музейга қўйиладиган экспонатларни йиғиш Тошкентда яшаш насиб этган. Тошкентни юрагидан сева оладиган, ардоқлай биладиган инсонларнинг салоҳиятига, ақлу заковатига ва ҳомийлигига боғлиқдир. «Тошкентликлар ҳақиқий фидойи ватанпарвар эканликларини доимо амалда исбот қилиб келганлар ва келмоқдалар». Муҳтарам Президентимизнинг тошкентликларга берган юқори баҳоларидан келиб чиқиб биз фидойи, ватанпарвар тошкентликларга мурожаат қиламиз ва музейни ташкил этишда фаоллик кўрсатишларига умид билдирамиз.

Ҳалима ЙЎЛДОШЕВА,
филология фанлари номзоди.

● МЕН мулла Солиҳбек Охунд додхоҳнинг замондоши, ўша даврда, яъни XX аср бошларида Тошкентдек шаҳри азимда машҳур бўлган, халқ орасида у кишининг қувноқ суҳбати билан машҳур танбурчи — «Саидаҳмадхон аскияй» номи билан ном қозонган доно санъаткорнинг набирасиман. Гап шундаки, «Тошкент тарихий музейи» ташкил этувчиларнинг хайрли хизматларидан ўта мамнун бўлган ҳолда, уларга ўз тасаннодаримни билдирмоқчиман.

Мен бу шаҳри азимнинг музейи кенг миқёсда иш олиб бориши тарафдориман. Саидаҳмадхон аския оиласининг шажаралари ҳам шу музей экспонатлари қаторидан жой олиши керак деб ўйлайман. У кишининг ўғиллари Ғозихон Саидаҳмедов Туркистонимизнинг олий суди раиси бўлганлар (1918—1922). У киши бир йўла етти тилни билар эдилар.

Бу авлоддан талайгина истеъдод эгалари чиққан. Мавлудахон Аъзамова — аёллардан чиққан биринчи дуторчи ва хонанда бўлган. 30 йил халқ ва бастакорлар қўшиқларининг ижрочиси бўлган. Гапни чўзмасдан демоқчиманки, бу музейда шаҳримизнинг машҳур кишиларининг сулоласи, уларнинг ўзбек маданиятига қўшган ҳиссаларини музей орқали тарғибот қилиш шу куннинг етилган масаласи. Биз кенг жамоатчилик шаҳримизни улуғлайдиган бундай савобли юмушда ҳаммамиз иштирок этишимиз керак.

Тошкент — телевидение ватани. 1928—1930 йилларда биринчи олисдан телекўрсатувлар Йўлдош Охунбобоевга кўрсатилган. Музейда «Тошкент — телевидение ватани» деган алоҳида бурчак бўлса, унда «ойнаи жаҳон»да ишлаган маданиятимиз намоёндалари вакиллари ҳақида ҳам кўргазмалар ташкил этиларди.

Музаффар АСАДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси фахрийси.

● ШУНИ айтиш кераки, Тошкент вилоят ҳокими Юнусхон ва у қурдирган XIII асрдаги девори, 12 даҳа, 12 дарвоза, Тупроққўрғон қалъаси, Чорсудаги ҳозирги Чорсу меҳмонхонаси яқинидаги Ҳазрати Уккоша булоғи, албатта, унутилмаслиги керак.

1966 йилги зилзиладан сўнг, шаҳримизнинг қиёфасини ўзгартиришда давлат арбоби, адибимиз Шароф Рашидовнинг хизматларига ҳам алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Бизнинг назаримизда, ўтмиш ва ҳозирги истиқлол давридаги давлатлараро, минтақалараро маданий алоқалар акс этган хариталарни картографлар тузмоғи ёшларнинг ҳам жуғрофий, ҳам сиёсий маълумотларини бойитади.

Хуллас, бир гуруҳ олимлар ва домла Солиҳбек Охунд додхоҳ авaралари ташаббуслари билан ўз фаолиятини бошлаган кўргазма-музейнинг ташкил этилиши Тошкент тарихи музейининг тамал тошининг қўйилишидир.

Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ,
Қ. Зоиров номидаги республика тиббиёт музейи директори.
Турсун АЗЛАРХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги махсус тиббиёт ҳужжатларини тайёрлаш бўйича гуруҳ аъзоси.

* Атроф-муҳит мусаффолиги учун

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ТУРИ

Инсоният биосферанинг бир қисми бўлиб, унинг ривожланиши атроф-муҳит билан яқин алоқада амалга ошади. Шунинг учун ҳам одамнинг ташқи муҳитга салбий таъсири ҳозирда унинг ҳаётига хавф солиши билан қайтарилаяпти, айниқса бу хавф ўсаётган ёш организм мисолида яққол намоён бўлмоқда. Шунга қарамай кўпгина корхона раҳбарлари табиат муҳофазасига тўғри эътибор бермаяптилар.

Ўзбекистондаги 471 саноат корхоналарида ҳавони ифлослантирувчи манбалар бўлиб, улардан фақат 55 фоизигина газ ва чанглардан тозаловчи ҳимоя воситалари билан таъминланган. «Эльбор» Тошкент ишлаб чиқариш қўшма корхонасида 73 та ҳавони ифлослантирувчи манбадан 23 тасигина газ тозалагич ускунаси билан таъминланган. Тошкент тўқимачилик комбинати ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида ҳаводаги олтингугуртли ангидрид ва пахта чанглари концентрациядан ошиб кетганлиги маълум бўлди. «Тоза ҳаво» тадбири ўтказилиши натижасида заҳарли газнинг 13,8 фоиздан 22 фоизгача кўтарилгани аниқланган.

Ёшларнинг соғлом ҳаёт кечириши учун шароит яратишга эришиш, табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳит бойликларидан оқилона фойдаланиш кўзда тутилади. Табиий муҳит ҳолатининг ёмонлашувидан ҳавотирланиш эса муҳитнинг аввалги ҳолати ҳақида маълумот олиш ва ҳозирги ифлосланиш даражасини, уни ифлослайдиган моддаларнинг тарқалиши, унинг одам соғлиғига салбий таъсир кўрсатишини аниқлаш мониторинг тизимини (огоҳлантирувчи тизимни) ташкил қилинишига олиб келди.

Атроф-муҳит ифлосланиш даражаси ёрдамида болалар ва ўсмирлар соғлиги ўртасида аниқ боғланиш борлигини аниқланган: қаерда антропоген (одам иштирокида) чиқиндилар кўп бўлса, ўша ерда касаллик белгиси юқори бўлган. Айниқса бундан йирик саноат шаҳарлари аҳолиси кўп азоб чекмоқда. Ҳозирги пайтда республикамиз вилоятларида бир қанча касалликларнинг тарқалиши ва уларнинг табиий-иқлимий шароит билан боғлиқлигини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, юқумли бўқоқ касалликлари кўп учраб турадиган тиреотоксик зоналар аниқланган кўпчилик саноат жойларида ҳавонинг юқори даражада ифлосланганлиги нафас йўллари сурункали касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Сурункали ўпка касаллиги тегирмон саноати ишчиларида 28,2 фоизни, цемент ишлаб чиқариш цехларида 21,4 фоизни, босмахоналардаги ишчиларда 3,5 фоизни, радиоэлектрон саноатида 2,9 фоизни ташкил этади.

Тери ва пастки лаб касалликларининг пайдо бўлиши тарқалишларини ҳам иқлимий омил билан боғлаш мумкин. Орол бўйида учрайдиган тери раки касаллигини кўпчилик олимлар тузнинг юқори даражада эканлиги билан, аниқроғи, ультрабинафша нурларининг таъсири билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Юқорида қайд қилинганлар билан боғлиқ ҳолда барча тарбиявий ишларнинг ажралмас қисми бўлган экологик-гигиеник тарбияни ўз қўлимизга олиш катта аҳамиятга эга. Тарбиянинг бу тури ташқи муҳитнинг организмга салбий таъсиридан огоҳлантириш мақсадида соғлом турмуш ва меҳнат гигиенаси тўғрисида ўқувчиларнинг онгли идрок этишига доир илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ишни шакллантириш тавсия этилади. Мактаб амалиётида бу ишларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ўқитувчилар табиат муҳофазаси билан болалар ва ўсмирлар соғлиғининг бир-бирига боғлиқлигини ҳамма вақт ҳам ижобий ҳал қилолмайдилар. Республикамизда бу муаммони ижобий ҳал қилиш мақсадида экологик тарбия ва билимлар дастури амалга оширилиши керак.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига тўла қўшилган ҳолда дастурни «Атрофдагилар ва ўз соғлиги учун» деган шиор билан тўлдириш даркор. Фикримизча, экологик билим ва тарбиянинг асосий масалалари жамият, табиат ва одамнинг бирлиги тўғрисида билимлар тизимини шакллантириш, табиатга тежамкорлик билан муносабатда бўлишга ўргатиш, табиат билан тўғри мулоқот ва муносабатда бўлишни тарбиялаш, унинг экологик муаммо ва қонуниятларини тушуниш, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини экологик билимдонлик билан ечишда билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, атроф-муҳофазасини ўрганишдаги доимий изчил фаолият зарурлигини тарбиялаш кабилардан иборат бўлиши даркор.

Маълумки, сиҳат-саломатлик инсон маданиятининг бир қисми бўлиб, унда ҳамма вақт атроф-муҳитни соғломлаштириш зарурриятини доимо эсда тутиш керак. Экологик-гигиеник тарбия ижтимоий аҳамият касб этади, чунки у келажак турмуш, меҳнат ва ижтимоий фаолиятда табиат билан ўзаро алоқада бўлган экологик ва гигиеник жиҳатдан фаол шахсни шакллантиришни кўзда тутади. Турли фанлардан дарс ўтиш жараёнида экологик-гигиеник билимларни ҳам ўқитиш, уларни мактабдан ташқари ишларида қўллаш бу тарбиянинг амалий йўналишини кучайтиради. Иқлимий, демографик омилнинг таъсирига доир маълумотлар киритиш, унга ўлкашунослик нуқтаи назаридан ёндошув, миллий этник хусусиятларга алоҳида эътибор бериш экологик-гигиеник маданият даражасини, шахснинг соғлом турмуш тарзини оширади.

Дилором ШАРИПОВА,
педагогика фанлари доктори, профессор.

* Бу — қизиқ

ЕРТЎЛАДА ТОПИЛГАН ИХТИРО

Маълумки, 1969 йилгача автомашиналарда ойна тозалагич икки хил, секин ва юқори тезликда ҳаракат қиларди. Ҳозир эса уч тезлик мавжуд бўлиб, янги электрон системасини машҳур «Форд» компанияси ҳаётга тадбиқ этган. Бу система автомашина ойна тозалагичларининг секин ҳаракатидан кейин бир лаҳза тўхтайди. У кўпинча майда ёмғир ёки енгил қор ёққан ҳолларда қўлланилади. Ҳозирда бу янги қурилма 20 миллиондан ортиқ автомашиналарда ўрнатилган.

Шуниси қизиқарлики, бу ихтиро «Форд»нинг конструкторлик бюросида ихтиро қилинмаган. Муаллиф Роберт Кернс таъкидлашича, ихтирони у 1962 йил ўз уйининг ертўласида ўйлаб топган. Бу пайтда у Мичиган университетида ўқитувчи эди. Кернс янгиликни «Форд» компаниясига олиб келишдан мақсади шу ихтиро лицензиясини сотишга раҳбарларда қизиқиш уйғотиш ва кўп даромад олиш эди. Шундан сўнг у олти йил «Форд»да маслаҳатчи бўлиб ишлади ҳамда 1967 йилда ойна тозалагичнинг муаллифи деган номга эга бўлди.

Маълум вақт ўтгач «Форд» Кернс билан тузган шартномани бузди. Ихтирочи «Форд»ни муаллифлик ҳуқуқларини бузганликда айблаб судга берди. Узоқ ва мураккаб ҳуқуқий хатти-ҳаракатлардан сўнг ниҳоят бу ишни 1990 йилда федерал суд кўриб чиқди. Суд бу ишни Кернс фойдасига ҳал қилди. Тўғри, ҳуқуқ ҳимоячилари унинг кўрган зарари қийматини аниқлаб беролмадилар. Бироқ «Форд» компанияси ушбу оламшумул жанжални бартараф қилиш мақсадида Кернсга 10,2 миллион доллар миқдорида пул таклиф қилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш кераки, яна 18 та шундай автомобиль ишлаб чиқарувчи фирмалар юқоридагидек воқеани бошдан кечириш арафасида турибди. 1991 йилда «Кройслар» автомобиль фирмаси билан бўлган жанжалда ҳам Кернс ғолиб чиқди.

«Ўйлайманки муаллифлик номини ҳимоя қилиб чиқиш зарурдир», дейди ихтирочи мухбирларга.

Назира СОДИҚОВА
тайёрлади.

* Эл соғлиғи — юрт бойлиги

БОҒНИНГ ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРИ

Ҳозирги кунда Германия, Швеция ва бошқа ривожланган мамлакатларда табиий ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлашга ўтиляпти. Бу табиий албатта. Чунки доривор ўсимликлар беморга ҳеч зиён етказмайди.

Юртимиз мустақилликка эришгач бизда ҳам бу борада муваффақиятларга эришилди. Республика Фанлар академиясига қарашли Ботаника боғида доривор ўсимликлар учун муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Айни пайтда бизга ажратилган 1,5 гектар майдонда 500 га яқин доривор ўсимликлар мавжуд, — дейди тиббиёт ботаника тажрибахонаси мудири Юзеф Мурдахаев.— Республикамизда доривор ўсимликларнинг янги навини яратишга келсак, ҳозир бу борада кўплаб хорижий давлатлар билан алоқа қилаяпмиз. Масалан, тажрибахонамизда дунёдаги барча мамлакатларда ўсадиган ўсимликлар рўйхати мавжуд. Ҳар йили шу рўйхат бўйича хорижий давлатларга ўша юртда ўсадиган ўсимликларнинг уруғини олиб ва республикамизда тажриба сифатида ўстиришга ҳаракат қиламиз. Кейин уни Ўсимлик моддалари кимёси институтига жўнатамиз. У ерда ўсимликнинг доривор хусусиятлари аниқлаб берилади.

Кейинги 10 йил ичида юқоридаги услуб билан бўлимимиз 50 та доривор ўсимликларни ўрганиб, ўстириб жамоа ҳамда давлат хўжаликларига жўнатди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, ҳозир республикамизда ана шу доривор ўсимликларни ўстириб, дори учун хом ашё тайёрлайдиган хўжаликлар кам. Шу боисдан мутасаддилар бу масалани ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди. Нега деганда ҳозир дорихона ва касалхоналаримизда дори-дармонлар сероб эмас. Ҳукуматимиз ёрдами билан чет эллардан валюта ҳисобига келтирилаётган дори-дармонлар эса беморлар эҳтиёжини тўла қондира олмаяпти. Шунинг учун биз тажриба қилаётган ўсимликлардан хом ашё тайёрланиб, фармацевтика заводларида дори-дармонлар ишлаб чиқарилса айни муддао бўлур эди.

Ғулом ЮСУПОВ.

* *Мутахассис мулоҳазалари*

ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

Мактабларда биринчи қўнғироқ чалинишига ҳам оз вақт қолди. Бу воқеа ҳар бир оила ҳаётига қанчалик-қанча қувонч, бахт ва чексиз ҳаяжон олиб киради. Зеро, у жонажон республикамизнинг Мустақиллик куни билан боғлангандир. Бундай кўтаринки кайфият кичкинтойлар ёдида умрбод сақланиб қолади. Аммо ўқишнинг бошланиши жажжи боладан катта жисмоний куч ва ақлий меҳнатни талаб қилади.

Поклик ва озодалик, ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, қолаверса меҳнат тарбияси билан узвий боғлангандир. Биринчи синф ўқувчиси ҳам ҳар куни эрталабки бадан тарбия машқларини бажариши, сўнгра юз-қўлини, бўйинини совуқ сувда ювиши, тишини тозалаши лозим. Совуқ сувда ювиниш гигиеник чиниқтирувчи таъсир қилишдан ташқари, марказий асаб тизими ҳолатини ҳам фаоллаштиради. Уй вазифаларини бажаришдан олдин ҳам қўлни эринмасдан ювиш фойдадан ҳоли эмас. Ифлосланган, доғ-дуғ дафтар-китоблар фақат бола кайфиятига салбий таъсир қилибгина қолмай, дарсларни ўзлаштиришга ҳам путур етказади.

Биринчи синфга борган боланинг ҳаёт тарзи ҳам ўзгаради. Энди у фикрни бир жойга тўплаш, вақтни тўғри тақсимлашни билиши керак. Оддий чарчаш оқибатида бош мия фаолиятида функционал ўзгаришлар содир бўлади ва у уйқудан сўнг асоратсиз ўтиб кетади. Лекин ўта чарчаш содир бўлганида эса мияда органик ўзгаришлар натижасида салбий оқибатлар қолиши мумкин. Тўғри ташкил қилинган кун тартиби негизида илмий асосланган меҳнат ва дам олиш мутаносиблиги ётади. У боланинг ўсиши ва ривожланишига самарали таъсир кўрсатади ва унда қатъий характер шаклланадики, у бутун умрга сақланиб қолади. Вақтида ухлаш, уйқудан эрта уйғониш одат тусига киради.

Ейиладиган овқат таркибидаги озиқ моддалар сарфланган куч ўрнини қоплаши ва ўсаётган тана учун пойдевор бўлиши лозим. Асосий овқат маҳсулотлари таркибига — оқсиллар, ёғлар, карбон сувлар, минерал тузлар ва дармондорилар киради. Оқибатда овқатда оқсилнинг етишмаслиги натижасида бола ўсишдан орқада қолади ва яхши ривожланмайди, тана вазни камайиб, турли юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилияти пасайиб кетади. Натижада беҳоллик, тез чарчаш, иш қобилияти ва ўзлаштиришнинг пасайиб кетиши кузатилади. Шу билан бирга овқатда оқсилнинг кўпайиб кетиши ҳам болага салбий таъсир кўрсатади, жигар фаолияти бузилиб, бола танасини ёғ босишига, аллергия касалликларига олиб келиши мумкин. Мускуллар фаолиятида карбон сувлар (углеводлар) қувват манбаи ҳисобланади. Улар асосан ўсимлик маҳсулотларида, ун, ёрма картошка, ҳўл ва қуруқ мевалар таркибида бўлади. Булардан ташқари қанд, асал, мураббо, қандолат маҳсулотлардан болаларга бериб туриш зарур.

Мактаб ёшидаги боланинг кўпроқ очиқ ҳавода бўлиши лозимлигини унутманг. «Сайрсиз ўтган кун — йўқотилган соғлиқдир» деган экан таниқли болалар шифокори А. Кисель. Фарзандингиз камида 3 соат очиқ ҳавода бўлиши, шунда ҳам ҳаракатли ўйинлар ўйнаши керак. Сайр вақти, очиқ ҳаводаги ўйинлар 3-4 галга бўлиб ўтказилиши мумкин. Бунга мактабга бориш, мактабдан қайтиш, дарс тайёрлаб бўлгандан сўнгги ва кечқурун уйқудан олдинги сайрни киритиш мумкин. Очиқ ҳавода бўлгандан кейин бола дарсларни яхши ўзлаштиради. Кечқурун уйқу олдидан сайр қилган бола тез уйқуга кетади ва мириқиб ухлайди.

Биринчи синф ўқувчисининг машғулотларга сарфлайдиган вақти 4—5 соат давом этади, шундан 1—1,5 соати уй вазифаларини бажаришга кетади. Дарс тайёрлашга овқатланган дан, 1—1,5 соат ухлагандан ва очиқ ҳавода ўйнагандан сўнг ўтириши керак. Бу шунинг учун ҳам зарурки, 1-синф ўқувчиларининг ўқиш жараёни юқори синф ўқувчиларникига қараганда кўпроқ чарчатади ва қийинроқ бўлади. Машғулотдан олдин боланинг дарсхонасини тартибга солишни унутмаслик зарур. Бола зўр бериб дарс тайёрлаганда гавдасини нотўғри тутса, стол-стул баландлиги унинг бўйига мос келмаса, қадди-қомати нотўғри ўсади. Бунинг оқибатида уларда букурлик, кўкракнинг чиқиб қолиши ёки умуртқа погонасининг қийшайиши кузатилиши мумкин. Боланинг диққат-эътибор бериб ишлашга лаёқати 30—40 дақиқадан ошмаслигини ҳисобга олиб, ҳар ярим соатда 10—15 дақиқа танаффус бериш шарт. Шуни унутмаслик лозимки, боладан кун тартибига қатъий риоя қилишни талаб қилмасдан, катталар ҳам унга бу борада ёрдам беришлари керак.

Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,
Республика Саломатлик маркази ташкилий-услубий бўлими мудири.

* *Пойтахт театрларида*

ЭРТАК ҲУЗУРИДА МЕҲМОНДА

Баъзан шундай бўладики, дам олиш кунлари болакайларимиз ўзларини қўярга жой топа олмай, ҳудабехудага аразлашиб қоладилар. Уларни овутолмай сиз хунобсиз, ахир унча-мунчага кўна қолишмайдида!

Ана шунақа кунларнинг бирида бутун оила аъзоларингиз билан кичкинтойларни етаклаб қўғирчоқ театрига боришга нима етсин! Эҳ, маза-маза, болаларга маза. Роса яйрайдиган бўлишди. Ўзингиз ҳам яхшигина ҳордиқ чиқариб, чарчоқ ёзиб келасиз.

Тошкентдаги республика қўғирчоқ театри. Унга яқинлашишингиз билан сизни ажиб бир туйғу чулғаб олади. Театр биносига киравершдаги фавворалар қуёш нурида ўзгача товланади. Ундаги эртак қаҳрамонлари-чи. Аста ичкарига қадам босамиз. Гўёки, сирли эртаклар оламига кириб қолганга ўхшаймиз.

Кимдир дадаси билан келган, яна бошқалари ойижонисини қўярда-қўймай қўғирчоқ театрига «етаклаб» келган. Яна шуниси бизни лол қолдирдики, кичкинтойларимизнинг барча харҳашаю, ўжарликлари ана шу театр биноси остонасига қадам қўйишлари заҳотиёқ таққа тўхтайди. Кела келгунча бўлган «Сникерс» машмашаси, такрор-такрор атайлаб қилинган музқаймоқлар харҳашаси худди мана шу жойга етганда ўз-ўзидан унутилади. Эҳтимол бунга ҳам эртаклар оламининг қандайдир сеҳри таъсир этган бўлса не ажаб.

Бугун театрда В. Борисовнинг томошаси қўйилар экан. Вой-бу, зал жажжилар билан лиқ тўла-ку! Томоша бошланди. Унга бастакор Аваз Мансуров бирам яхши куй-қўшиқлар басталабдики! Митти томошабинлар бутун вужудлари кўз ва қулоққа айланиб эртак кўришмоқда. Улар гоҳ шўх-шодон кулишса, гоҳида кулгилари ҳайратга уланиб кетади. Худди ўзлари ҳам эртакнинг бевосита иштирокчиларига айланиб кетишади...

Театр адабий бўлим мудираси Динора Йўлдошеванинг айтиб беришларича Тошкент қўғирчоқ театри «Ўр тўқмоқ», «Золушка», «Олтин калитча», «Узун бурун» каби спектаклларни қайтадан саҳналаштириб, унга янгитдан бадиий сайқал беришган. Шунданми, театрнинг жажжи шинавандалари сафи ортса ортадики, асло камаймаяпти. Артистлар ўз устиларида тинимсиз ишлашмоқда, ижрочилик маҳоратини янада ошириб боришяпти. Фақат театр биносининг ўзидагина томошалар қўйиш билан чекланиб қолмай, балки дам олиш оромгоҳларида, мактабда ташкил этилган спорт оромгоҳларида, болалар боғчаси, шунингдек шифо масканларида, истироҳат боғлари, маданият уйларида болажонларимизга олам-олам шодлик улашмоқдалар. Яқиндагина тоғ ён бағрида жойлашган «Учқун», «Электрик», «Ниҳол» ва Ички ишлар вазирлигининг оромгоҳларида бўлиб қайтишибди. Эндиликда авиасозлар саройига бориб спектакллар қўйишни мўлжаллашяпти.

Тез орада театр ижодий жамоаси ҳам ўзининг таътил — дам олиш кунларини бошлаб юборади. Лекин шу даврда театр қатнашчилари дам оламиз, деб қўл қовуштириб ўтиришмайди. Кузги мавсумга катта тайёргарликлар, репетициялар бошлаб юборилади. Туркияда ўтадиган «Карагёз», яъни «Қоракўз» қўғирчоқ театрлари фестивалига улар ҳам таклиф этилган. Шу маросимга театр ўзининг «Карвонсарой, буюк ипак йўлидан» номли спектакли билан қатнашиш ниятида.

Театр жамоаси бундан ташқари Покистонда ўтказиладиган қўғирчоқ театрларининг халқаро фестивалига ҳам ташриф буюриш ниятида. У ердаги анжуманда эса «Фотиманинг саргузаштлари» деб номланган томошасини кўрсатади. Анжуманда ҳамма спектакллар инглиз тилида қўйилар экан. Шунинг учун ҳам «Фотиманинг саргузаштлари» спектакли айнан инглиз тилида хорижий мухлислар ҳукмига ҳавола этилади. Театр артистлари бўлса барча ижодий тайёргарликлар билан бир вақтнинг ўзида инглиз тилини мукаммал ўрганишни бошлаб юборишди. Ўтган йили ҳам шундай ижодий сафарлар бўлганди, Германия ва Ҳиндистондаги кичкинтойларга қўғирчоқ театрининг қўйган томошалари ёқиб тушганди.

Халқаро болалар кунига бағишланган тантаналарда Республика болалар жамғармаси билан биргаликда кўп болали оилалар учун махсус хайрия томошалари кўрсатилгани, уларга совғалар тошширилганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Эҳе, бу ишлар ҳали бошланиши экан. Театр бадиий раҳбари Шомурод Юсуповнинг таъкидлашларича боғча ёшидаги болажонлар учун «Бўғирсоқ» эртаги ҳам тайёр бўлиб қолибди. Бу томошани болалар боғчаларига бориб қўйишар экан.

Яна «Оловиддининг сеҳрли чироғи» спектакли ҳам ширингўйларга маъқул келади, деб ўйлаймиз.

Мустақил Ўзбекистонимиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб театр жамоаси болажонларимизга ажойиб совға тайёрлаб қўйишган. Қадимий миллий анъаналаримизни қайта тиклаш мақсадида «Карвонсарой» томошалари таркибига кирувчи «Чодир хаёл» томошаси устида иш олиб борилмоқда. Сал бўлмаса унутилаёзган миллий масхарабоз — қўғирчоқлар ўйини нафақат жажжи томошабинларга, балки катталарга ҳам ёқиб қолади, деб ўйлаймиз. Бунда миллий қаҳрамонимиз Качалполвон ва унинг рафиқаси Бичихон болалар хизматида бўлишади. «Чодир хаёл» томошаси соялар театрини ҳамда қўлга кийиб ўйналадиган қўғирчоқ театрини ўз ичига олади. Мустақиллик байрами тантаналарида қўғирчоқ театри пойтахтимизнинг тўртта жойида — Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги майдонида ва бошқа болалар гавжум бўлган жойларда ўз томошаларини қўйишни режалаштиряпти.

Албатта томошаларнинг қувноқ ва қизиқарли чиқишига театр артистлари Лутфулла Хўжаев, Алишер Мирзағиёсов кабиларнинг ижодий маҳоратлари билан бир қаторда театрнинг барча фидойилари, хусусан, унинг бош рассоми Вениамин Акудиннинг ҳам хизматлари катта бўлади.

Ана шундай гаплар. Фурсатдан фойдаланиб театр жамоаси барча-барча болажонларни, уларнинг дадалари ва ойилари билан биргаликда Мустақилликнинг уч йиллиги тантаналарига бағишланган томошаларга олдиндан таклиф этади. Унгача эса фарзандларингиз боғчасига қўғирчоқ театри томошалар қўйиш учун шошиляпти.

Назокат УСМОНОВА.
Маҳзуна КЕНЖАЕВА.

* *Суратли ахборот*

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Жиноятчиликнинг олдини олишда маҳаллаларнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боисдан ички ишлар идора вакилларининг маҳалла комитетлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари яхши самара бераяпти. Тошкент шаҳар ИИББ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси раҳбарияти ёшлар орасида рўй бераётган ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида қатор режалар ишлаб чиққан. Бунда маҳалла ва мавзеларда учрашувлар, суҳбатлар уюштириш, ота-оналарнинг масъулиятини оширишга катта эътибор берилмоқда.

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги Абдулла Набиев номли маҳаллада ана шундай тадбир ўтказилди. Учрашувга Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тизимида фаолият кўрсатаётган турли хизматларнинг бошлиқлари, тумандаги 40 дан ортиқ маҳаллаларнинг оқсоқоллари таклиф этилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Турсунхон Худойбергенов йиғилганларни пойтахтимизда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар билан таништирди.

— Кўпгина маҳаллалар биз билан ҳамкорликда ишлашмоқда, — деди у. — Оқсоқоллар, фаоллар ёрдамида муаммолар ҳал этилмоқда. Лекин баъзан катталарнинг ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга лоқайдлиги туфайли турли ҳодисалар содир этилмоқда.

Туманда участка нозирлари ишини янада яхшилаш, ўсмирларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш тўғрисида Тошкент шаҳар ИИББ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи М. Деҳқонов гапирди.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва маҳалла фаоллари ўртасида савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.

● **СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар. Даврон Аҳмад олган суратлар.**

* *Қуюнчаклик билан ёзилган*

ЛАЙЛАКЛАР ОШЁНИГА ҚАЙТАДИМИ?

Инсон ўз ҳаёти туфайли табиатга, атроф-муҳитга таъсир қилиб келмоқда. Бугунги кунда бу таъсир жуда кучайиб кетди. Теварак-атроф ҳавоси тупроқ ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши ҳамда заҳарланиши натижасида табиат манзараларининг кескин камайишига олиб келмоқда. Боғ ва адирлар чўлларга айланиб, қум барханлари юзага келмоқда кўллар, дарё ва денгизлар ўрнида ботқоқликлар пайдо бўлмоқда.

Бу эса, ўз навбатида кўпгина ҳайвонлар турлари кескин камайиб кетишига, баъзилари эса умуман йўқолиб кетишига олиб келаётир.

Ҳозир ер юзида 120 га яқин сут эмизувчи ҳайвонлар ва 187 қушлар тури сақланиб қолган бўлиб, улар ҳам йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Илмий изланишлар, кузатишлар натижасида кейинги 350 йил ичида ер юзидаги сут эмизувчиларнинг 60 дан кўпроқ турлари, қушларнинг 100 га яқин турлари бутунлай қирилиб кетиш хавфи остида эканлиги аниқланган. Шунинг учун ҳам Халқаро табиат ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш жамияти томонидан тобора камайиб бораётган ва қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ҳайвонлар тўғрисида маълумот бериладиган «Қизил китоб»ни яратиш таклиф этилган.

Шу таклифга асосан 1976 йилда нашр этилган Халқаро «Қизил китоб»га Ўзбекистонда яшайдиган ҳайвонлардан йўлбарс, жайрон, кўк суғур ва баъзи йиртқич қушлар киритилган бўлиб, уларни қўриқлаш ва муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Умуман, республикамизда бугунги кунда 650 га яқин умуртқали ҳайвонлар тури мавжуд бўлиб, балиқларнинг 79 тури, амфибияларнинг 3 тури, судралиб юрувчиларнинг 57 тури, қушларнинг 410 дан кўпроқ турлари ҳамда сут эмизувчиларнинг 99 тури яшайди.

Шулардан 63 тури бугунги кунда йўқолиб кетиш хавфи остида эканлиги анча ташвишлидир.

Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»и 1983 йилда нашр этилган. Унга республикамизда яшовчи сут эмизувчи ҳайвонларнинг 2 тури, қушларнинг 31 тури, судралиб юрувчиларнинг 5 тури ҳамда балиқларнинг 5 тури киритилган. Кейинги йилларда бу ноёб ҳайвонлар сони янада камайиб бораяпти. Бир неча йиллар илгари Тошкент шаҳри ва унинг атрофларида ёввойи ҳайвонлар ва турли қушларни учратиш мумкин эди. Ҳавасқор овчиларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари оқибатида кўп ҳайвонлар умуман қирилиб кетди. Ҳозир кўлларда ёввойи ўрдакларни учратиш амри маҳол бўлиб қолди. Овқат топиб ейишлари учун шаҳар атрофидаги ботқоқликлар йўқ бўлиб кетгани ҳамда кечки шовқин кучайганлиги сабабли, яқин-яқингача Тошкентдаги катта масжидлар, Самарқанд ва Бухородаги баланд миноралар тепасида яшаб келган оқ ва қора лайлакларни бугунги кунда умуман учрата олмаймиз.

Яна мисол келтирадиган бўлсак, Угом, Псков, Чотқол, Фарғона тоғларида кенг тарқалган қўнғир айиқ ҳам Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га киритилган бўлиб, кейинги йилларда жуда камайиб кетган ноёб ҳайвонлардан биридир. Ҳисор ва Кўҳитанг тоғларида ва Қизириқдара чўлларида, Сариосиё ва Шеробод районларида учрайдиган сиртлон ҳам йўқолиб кетиш хавфи остида турибди.

Ҳисор ва Туркистон тоғ тизмаларида тарқалган, кўзлари катта-катта, қулоқларининг жуни ўсиқ ва майин, думи бароқ, ранги оқ-кулранг илвирс ҳам; оёқлари узун, кулранг, танаси қора, юмалоқ холли гепард ҳам, Бухоро бўғуси — хонгул, жайрон, бурама шохли эчки — морхўр, Устюрт қўйи архар ҳам Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»ига киритилган ноёб ҳайвонлардан ҳисобланади.

Булардан ташқари, Орол денгизи ва унинг атрофидаги сув ҳавзаларида учбароқ, ранги оқ-кулранг илвирс ҳам, ва оққуш, йиртқич қушлардан — сув қирғийи, узун думли сув бургути, оқ думли сув бургути, қирғий, бургут, чўл бургути. Қумай ва лочин, оқ турпа, тувалоқ каби қушлар, эчкиэмар, хентоғ қурбақабоши, Фарғона олатароқ калтакесаги ва кобра илони каби судралиб юрувчилар ҳамда баҳри балиқ, қилқуйруқли катта кураккбурун, Сирдарё кураккбурун балиғи, кичик кураккбурун балиқ, суғён каби балиқлар ва бошқа жониворларнинг инсонга, табиатга, халқ хўжалигига келтирадиган фойдаси ҳақида кўпчилик яхши билади.

Кўриниб турибдики, биз доимо ҳайвонот оламига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз, уларни асраб-авайлашимиз керак.

Ойшахон ҚУРБОНОВА.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!
ЭНГ ЗАРУР КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАНГ!

Тикувчи, бичувчи-модельер, чармдан бўлган маҳсулотларни тикиш бўйича мутахассис-тикувчи.

Сизларни бу касбларга жумҳурият ўқув ишлаб чиқариш марказида ўргатишади.

Ўқишга 9—11 синфни тугатган қизлар таклиф қилинади.

9-синфни тугатган қизлар учун ўқиш муддати— 2 йил.

11-синфни тугатган қизлар учун ўқиш муддати— 1 йил.

2 йиллик ўқув дастури бўйича 2 та касбга эга бўлиш кўзда тутилади: **тикувчи, бичувчи-модельер.**

2 йиллик курс ўқувчилари давлат таъминотида бўладилар ва ҳар ойда ойлик ўқувчи нафақалари билан таъминланадилар.

1 йиллик курс: Юқори малакали тикувчи касбини эгаллашга мўлжалланган.

1 йиллик курс ўқувчилари ҳар ойда ойлик ўқувчи нафақаси ва овқатланишда имтиёз билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати тугаганидан сўнг ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича диплом оладилар.

Ўрта мактабни тугатган 20 ёш ва ундан каттароқ бўлган йигитлар қуйидаги мутахассисликка эга бўлишлари мумкин: чарм маҳсулотларини тикиш бўйича мутахассис.

Ўқиш муддати — 1 йил (пуллик).

Конструктор-модельер мутахассислигига эга бўлишни хоҳлаганларни Жумҳурият ўқув ишлаб чиқариш маркази қошида очилган

9 ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Курсларни тугатганларга давлат ҳужжатлари берилади.

ЖУИЧМга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, тиббий маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, фотосурат 6 дона (3х4), қабул қилиш ҳақида ариза.

МАШҒУЛОТЛАР 1994 ИИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Мироқилов кўчаси, 68 (Низомий номли педагогика олийгоҳи яқинида), 7, 4, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбуслар; 38, 67, 58-автобусларнинг «Бобур номли истироҳат боғи» бекати).

Маълумотлар учун телефонлар: 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ
1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ

трамвай ҳайдовчиларини, ҳаракат таркибининг электр асбоб-ускуналарини таъмирлаш бўйича электрчи-чилангарларни, вагон кузатувчиларини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мазкур соҳалар бўйича ихтисосга эга бўлмаганлар 23-ҳунар-техника билим юртида ёки «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасига қарашли трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ўқув комбинатида таҳсил олишлари мумкин.

— трамвай ҳайдовчилари курсларига 20 ёшга тўлган йигит-қизлар таклиф қилинади.

— ҳаракат таркибининг электр асбоб-ускуналарини таъмирлаш бўйича электрчи-чилангарликка 18 ёшга тўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати: трамвай ҳайдовчилигига — 5 ой, электрчи-чилангарликка—3 ой.

Ўқув жараёнида талабага 75 сўм ҳажмида стипендия, қатновда тажриба ўташ вақтида эса 3-тоифа (класс) трамвай ҳайдовчилари учун белгиланган тариф ставкасининг 90 фоизи ҳажмида иш ҳақи тўланади.

Ўқишни битириб ишга жойлашган трамвай ҳайдовчилари — 500 сўмгача;

кондукторлар — 200 сўмгача;

электрчи-чилангарлар — 400 сўмгача иш ҳақи олишлари мумкин.

Трамвай депосида ишлаганлар қуйидаги имтиёзларга эга бўладилар.

— хотин-қизлар 50 ёшга тўлгач пенсияга чиқадилар;

— эркаклар 55 ёшга тўлгач пенсияга чиқадилар (фақат трамвай ҳайдовчилари);

— кўп йиллик хизмати учун 6 иш куни қўшиб, меҳнат таътили берилади;

— иш якуни бўйича ҳар йили 13 ва 14-маошлар тўланади;

—шаҳар электр транспортида текин юриш ҳуқуқига эга бўлади;

физкультура-соғломлаштириш мажмуи имкониятларидан фойдаланади;

— Сирдарё соҳилидаги дам олиш зонасида ҳордиқ чиқаради;

— ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладилар.

Манзилгоҳлар: 23-ҳунар-техника билим юрти, Темур Малик кўчаси, 3«а»-уйда (3-трамвай депоси қошида) жойлашган.

6, 13, 22-трамвайлар, 9, 18-троллейбуслар, 17, 71, 83, 96-автобусларнинг «Чимён» бекати.

Телефонлар: расмийлаштириш бўлими — 63-28-97.

23-ҳунар-техника билим юрти — 63-38-93.

1-трамвай депоси — Гайдар кўчаси, 86-уйда жойлашган. Унга 1-трамвай, 55, 161-автобуслар билан борилади ва «1-трамвай депоси» бекатида тушилади.

Телефонлар: қабулхона — 91-19-30,

тасарруф бўлими 91-18-09.

ТТИЧБнинг ўқув комбинати А. Фитрат кўчаси, 180«а» уйда жойлашган.

Комбинатга 2, 10-трамвайлар, 61, 66, 161-автобуслар билан борилиб «Баҳор» бекатида тушилади. Ўқув комбинати қабулхонасининг телефон рақами — 91-53-82.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Салахов Роберт Фаритович, 1968 йилда туғилган, Тошкент шаҳри, «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳаси, 1-мавзе, 4-уй, 32-хонадонда яшайди.

1994 йил 9 июлда Ченгелди ҳудудида, Чирчиқ дарёсида чўмилишга кетиб уйга қайтиб келмаган. Унинг бўйи 178 см, қўнғир сочли, мўйлов қўйган, жигарранг кўзли,думалоқ юзли, озғин.

Унинг қаердалигини биладиганлардан 96-37-32 телефони бўйича Қибрай тумани ички ишлар бўлимига ёки бошқа милиция бўлинмаларига қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви жамоаси шу жамғарманинг молия-иқтисод ишлари бўйича ранс ўринбосари А. С. Муҳаммаднёзхўжаевга онаси

Руҳия ХОЛМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—1094. ● Босмага бериш вақти 11.30. ● Босмага берилди 11.00.